Ishbilarmon, mardlik va shijoat sohibi, azmi qat`iy, tadbirkor va hushyor bir kishi ming-minglab tadbirsiz, loqayd kishilardan yaxshidir

O`zLiDeP

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 2015-yil 23-iyul, payshanba, **30 (610)-son** | e-mail: **xxi_asr@mail.ru,** web sayt: **www.21asr.uz**

# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ – ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## ИСТИҚЛОЛ НУРИДАН МУНАВВАР ЮРТ

**Энг улуғ, энг азиз байрамимизнинг 24 йиллигини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш барчамизга дахлдор бўлган муҳим масаладир**

Ер куррасида қанча миллат, қанча элат бўлса, ҳар бирининг ўзига хос тараққиёт йўли бор. Кўҳна тарихнинг ўчмас саҳифалари ҳам шундан гувоҳлик беради. Мустақиллик эса ўз қадр-қимматини биладиган халқ учун энг улуғ бахт, энг олий саодатдир. Зеро миллий ўзликни англамай туриб, кўзланган юксак мақсадларга эришиб бўлмайди. Ушбу фикрга тўла ишонч ҳосил қилиш учун кейинги 24 йил давомида мамлакатимиз босиб ўтган қийин, аммо шарафли йўлга бирров назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ким эдигу ким бўлдик?! Асл ҳақиқат қиёслашда билинади, дейдилар. Жонажон Ўзбекистонимиз истиқлол шарофати билан мустабид тузум ва унинг асоратларидан бутунлай халос бўлиб, асрлар давомида унутилган миллий қиёфасини қайта тикламоқда, ўз иқтидори ва салоҳиятини янада тўлароқ намоён этмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ўртасида унинг нуфузи, обрў-эътибори тобора ошиб бораётганлиги ҳам бежиз эмас.

Мустақиллик айнан шу жиҳатлари билан ҳар биримиз учун беҳад азиз ва қимматлидир. Бугун барча соҳада амалга оширилаётган эзгу амаллар замирида миллий давлатчиликни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни тубдан ислоҳ қилиш ва модернизациялаш, инсон ҳуқуқларини тўла рўёбга чиқаришдек олижаноб мақсадлар ётади.

3




## ЮЗ ЁШ МУБОРАК, БОБО!

**Марғилон шаҳридаги 8-умумтаълим мактаби ахборот-ресурс марказида «Ёвқочар» маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда «Кексаларнинг дуосини олиш — савобли иш» мавзуида тадбир ўтказилди. Унда маҳалланинг Н.Шодиев, Р.Отажонов, И.Юсупалиев, И.Дадабаев каби улуғ ёшдаги нуронийлари иштирок этдилар. Тадбир иштирокчилари шу маҳаллада умргузаронлик қилаётган отахон, 100 ёшни қарши олган Имомназар бобо Қурбонов хонадонига уни зиёрат қилиш учун ташриф буюришди. — Шу мўътабар ёшга етганим, истиқлолнинг мусаффо тонгларини кўрганимдан бахтиёрман, — дейди Иккинчи Жаҳон уруши фахрийси Имомназар бобо. — Сизлар ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етинглар, тинчликни асраб-авайланглар. Тадбир давомида пиру бадавлатлар бир пиёла чойга таклиф этилиб, уларга эсдалик совғалари тақдим этилди.**

## ЭЛЕКТОРАТ МУНОСАБАТИ

### Бошланиши чакки эмас

**Гулистон шаҳридаги «Бек» бирлашмасига қарашли «Гул-Рен-Текс» корхонаси ўз фаолиятини бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо қисқа давр ичида экспорт буюртмалари ҳажми 400 минг АҚШ долларини ташкил этди**

— Корхонамизни шу йил Гулистон шаҳридаги фаолияти тўхтаб қолган «Нафис либос» фабрикаси негизида ташкил қилгандик. Май ойида пойтахтимизда бўлиб ўтган мода ва дизайн халқаро фестивалида корхонамиз ўз маҳсулотлари билан муваффақиятли иштирок этди, — дейди «Бек» бирлашмаси раиси, O`zLiDeP фаоли Улуғбек Сотиболдиев. — Маҳсулотларимиз чет эллик мутахассислар томонидан муносиб баҳоланди. Корхона дизайнери Манзура Қувондиқова халқаро фестивалнинг махсус сертификати билан тақдирланди.

Эътиборлиси, корхонада ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари илғор технологиялар асосида ташкил қилинган. Кийим-кечак тикиш учун газлама бирлашма қошида ташкил қилинган Жиззах шаҳридаги яна бир корхона — «Орзу текстил»дан олиб келиниб, матоларга гул босилади. Бу, ўз навбатида, маҳсулот сифатини таъминлаш баробарида унинг таннархи арзон бўлишини ҳам таъминлайди.

«Гул-Рен-Текс» корхонасининг фаолият бошлаши натижасида мингга яқин иш ўрни яратилди. Уларнинг асосий қисмига касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар қабул қилинмоқда.

**КЕЛГУСИ СОНДА**

### САБРУ ҚАНОАТ — БУЮК САОДАТ

*Бойсун туманида «жанда» номи билан тўқилган мато қадимда ҳам бежирим ва нафислиги билан машҳур бўлган. Ранги ўчмайдиган ноёб бу матони дунёда бойсунлик хотин-қизлардан бошқа ҳеч ким тўқий олмаган. Тоғли туман чеварлари ундан тикилган яктак, тўн ва бошқа миллий кийимлар билан ҳақли равишда фахрланган. Тоталитар замонда халқимиз асрлар давомида эъзозлаб келган ноёб урф-одатлар қаторида ёғоч ўймокорлиги, мисгарлик, косиблик, кулолчилик, каштa ва гилам тўқиш қаторида бойсунликларнинг жанда матосидан тикилган миллий кийимлари ҳам таъқибга учради. Нафис дид билан ишланган бундай ҳунармандчилик буюмларига эскилик сарқити сифатида қаралди.*

### Табаррук замин фарзанди эканимдан фахрланаман

**Қишлоқда туғилганман. Аввал отам Сулаймон Холмуродов ёнида юриб, у бошқарган тракторда ғўза қатор ораларига ишлов беришни ўргандим, онам Қундуз Умарова етакчилик қилган фермер хўжалиги далаларида меҳнат қилиб, катта бўлдим. 2010 йилдан буён ўзим мустақил равишда иш юритаяпман. Қадалган «барака» уруғи ерни ёриб чиққани, биринчи очилган ғўза гули, шиғил кўсак ва ниҳоят, оқликка бурканган пахтазорни кўриб завқланаман. Олтин рангда мавжланувчи ғаллазор кўнглимни тоғдек кўтаради. Ҳозирда кексалик гаштини сураётган ота-онам мудом «Дон кўп бўлсин, нон кўп бўлсин» дея дуо қилишади. Мустақиллигимизни алқашади.**

Ана шу тилаклар ижобати йўлида жамоамиз аъзолари билан дастлаб 22 гектар майдонда деҳқончилик қилган бўлсак, айни кунда ер майдонларимиз 90 гектарга етди. Кейинги 3-4 йилда пахтадан мунтасил 40 центнердан ошириб, ғалладан эса 90 центнергача хирмон кўтараяпмиз. Олинаётган даромадларимиз ҳам баракали бўлаётир. 2013 йилги фойда ҳисобидан имтиёзли шартлар асосида лизингга «Арион-630» ҳайдов трактори харид қилиб, техникаларимиз сонини 3 тага етказдик. 2014 йилги даромадга «Нексия» сотиб олдик. Банк кредитлари ҳисобидан харид қилган қорамолларимиз сони 16 тага етди. Улардан ҳар куни 30-40 литргача сут соғиб оляпмиз. Паррандачиликни йўлга қўйдик.

Жорий йилда ҳам 48 гектар майдонга «Бухоро-6» пахта навини экиб, юқори агротехника қоидалари асосида парваришлаяпмиз. Экинимизнинг ривожи яхши. Йил якунида 45 центнерлик маррани кўзлаб турибмиз.

Ўтган йил кузида 39,4 гектар майдонга экилган «Нота» навли буғдой меҳр ардоғида парваришлангани боис 128 тонна ўрнига 185 тонна сара дон хирмони уйдик. Шартнома 155,7 фоиз қилиб уддаланди. Ялпи ҳосилдорлик гектар бошига 89 центнерни ташкил этди. 19 тонна дон ишчи-хизматчиларга тарқатилди. Олинган даромадларимиз ҳисобидан қорамол ва паррандачиликни кенгайтириш, сут ва гўштни қайта ишлаш, балиқчиликни ташкил этишни режалаштирганмиз. 7 та қўшимча иш ўрни яратиб, ҳамқишлоқларимиз бандлигини таъминлаш ниятидамиз.

Эришаётган ютуқларимизда ота-онамнинг доимий ўгитлари, укаларим – Ёқубжон ва Алишерларнинг кўмаги, механизатор Исомиддин Туробов, сувчи Андрей Сайидахмедов ҳамда Шерзод Ҳайитовнинг катта хизмати бор.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ, қирқ центнерчи фермер хўжаликлари учун умумий майдоннинг 5 фоизи миқдоридаги ерга сабзавот ва полиз маҳсулотлари экишга рухсат берилгани бизга яна бир қулайлик бўлди. Ундан фойдаланиб, 1,7 гектар майдонда қовун-тарвуз ва сабзавот етиштирдик. Ғалладан бўшаган ерларнинг бир қисмига мош, сабзи, шолғом ва чорва озуқаси учун маккажўхори экдик. Улардан олинадиган ҳосил ҳам ўзимиз ва 23 нафар аъзоимизнинг маъмурчилигига хизмат қилади.

Шундай табаррук замин фарзанди сифатида озод ва обод Ватанда меҳнат қилаётганим, қишлоқдошларим корига яраётганим, юртим равнақи, дастурхон тўкинлиги, турмушимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман.

**Соҳиб ХОЛМУРОДОВ,**
**Навбаҳор туманидаги «Диёрбек Сулаймонов» кўп тармоқли фермер хўжалиги раиси, O`zLiDeP аъзоси.**

## БУГУНГИ СОНДА:

**ИСЛОҲОТ**
Манзилли дастурлар ижроси — депутатлар назоратида
3

**ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР**
Қўйилган талаблар жиддий эди
4

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА**
Қуйидан чиқаётган ташаббуслар
5

**РЕКЛАМА ЎРНИДА**
Банклар — иқтисодиётнинг қон томири
7









**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти**
**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 21 июлдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)**

**) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 1888,08 | 1 АҚШ доллари | 2570,22 | 1 Хитой юани | 413,97 | 1 Туркия лираси | 966,76 | 10 Япония иенаси | 207,06 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 4006,97 | 1 Миср фунти | 328,25 | 1 Малайзия ринггити | 675,31 | 1 Швейцария франки | 2670,91 | 1 Россия рубли | 45,22 |
| 1 Дания кронаси | 372,93 | 1 Исландия кронаси | 18,91 | 1 Польша злотийси | 676,94 | 1 ЕВРО | 2820,96 | 1 Украина гривнаси | 116,75 |
| 1 БАА дирҳами | 699,76 | 1 Канада доллари | 1978,01 | 1 СДР | 3575,18 | 10 Жанубий Корея вони | 22,30 | | |

# ОДИЛОНА ВА ОҚИЛОНА СИЁСАТ САМАРАСИ

**Маълумки, Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича қабул қилган қарорида бу йилги тантаналар «Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган шиор остида нишонланиши белгилаб берилди**



**Тўлқин КАРИМОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Албатта, бундай лаҳзаларда мустақиллик жасорат ва матонат билан қўлга киритилганини яна бир бор дилдан ҳис қиласан киши. Шунинг учун ҳам озод ва обод юртимизнинг ҳар бир фуқароси бу кунни энг улуғ, энг азиз айём сифатида билади. Шонли санани интиқлик билан кутади. Уни катта шоду хуррамлик билан нишонлайди.

Ҳозир қай бир соҳа ва тизимда фаолият юритаётган ватандошларимиз билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бугунги кундан рози эканини, мамлакатимизнинг эртанги кунига бўлган катта ишончи ижобий ўзгариш ва янгиланишларга замин бўлаётганини амалда кўрамиз.

Бундай омилларга юртдошларимиз алоҳида эътибор қаратаётгани бежиз эмас. Чунки глобаллашув жараёнида жаҳоннинг турли бурчакларида юз бераётган табиий офатлар, очарчилик, қашшоқлик, муайян манфаатлар туфайли авжига чиқаётган низолар оддий одамларни, айниқса, аёллар ва болаларни тинчлик деган неъматга ташна қилиб қўймоқда.

Бугунга келиб таҳлилчилар етарли озиқ-овқат етиштириш учун унумдор ери, суви бўлган давлатлар дунё тақдирини ҳал этишини таъкидлай бошладилар. Ана шундай муносабатларга гувоҳ бўларканмиз, бундан 24 йил аввал Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган ва айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътибор билан ўрганилаётган «ўзбек модели» қанчалар ўзини оқлаганига ишонч ҳосил қилаяпмиз.

Яна бир мулоҳаза. Мустақилликка қадар умуман мавжуд бўлмаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни олайлик. Истиқлол йилларида соҳада олиб борилган чуқур ислоҳотлар туфайли бугунги кунда тадбиркорлар ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоизидан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Мазкур тармоқда жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи меҳнат қилаётир.

Эътибор беринг: яқин ўтмишда қолоқ аграр республика бўлган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик, пахтани қайта ишлаш корхоналари ташкил этган Ўзбекистоннинг бугун қўлга киритаётган ютуқлари қалбларни фахрга тўлдиради. Кейинги йилларда замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини барпо этиш ҳисобидан иқтисодиётда саноатнинг улуши 25 фоизга етди. Қувонарлиси, экспортбоп ва рақобатдош маҳсулотларнинг 60 фоиздан ортиғи юқори технологияларга асосланган соҳаларда ишлаб чиқарилаётир. Энг муҳими, бундай юқори даражадаги ўсишга жаҳонда ҳали-ҳамон давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида эришилмоқда. Бу ютуқлар эса фақат хом ашё сотиб, бир ёқлама ривожланиш эмас, балки модернизация ва диверсификация жараёнларининг муваффақиятли амалга оширилгани эвазига қўлга киритилмоқда.



**Дилором ФАЙЗИЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним! Ана шундай эзгу ғоя асосида нишонланадиган мустақиллигимизнинг 24 йиллик шодиёнаси ҳақиқатан ҳам эркин ва фаровон яшаш, ҳеч кимдан кам бўлмаслик, бугунги ва эртанги кунга ишонч туйғуларини қалбларимизга чуқурроқ жо этмоқда.

Ўтган тарихан қисқа бир даврга назар ташласак, амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар натижасида халқ турмуш даражаси юксалганини кўрамиз. Юртимизнинг ҳар бир ҳудуди бутунлай янги қиёфага кирди. Аждодлардан мерос миллий урф-одатларимиз тикланди. Илм-фан чўққиларини забт этаётган, турли соҳаларда ўз ғайрат-шижоати билан жаҳон аҳлини лол қолдираётган навқирон авлод шаклланди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, оқил ва одил сиёсат юритилаётганидандир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон мустақиллик йилларида жаҳон ҳамжамиятида ўз ташқи сиёсат стратегияси, халқаро муносабатлардаги позицияси билан ҳам муносиб ўрин эгаллади. Бу халқимизнинг асрлар давомида орзу қилган озодлиги меваси, давлатимиз суверенитети билан боғлиқ муҳим ҳуқуқимиздир. Шу ўринда яқин тарихга қайтиб, ана шу ҳуқуқни қўлга киритиш дақиқаларини эсласак, ўтган йилларга қиёсий баҳо бериш мумкин бўлади.

Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида мамлакат сиёсий суверенитетини таъминлаш билан боғлиқ масалалар энг муҳим вазифалар сифатида тилга олинган. Зеро, бу Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашининг асосидир. Ўтган йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатда мустақил позицияга эга мамлакатга айланди. Бунда Президентимизнинг узоқни кўра олиш, оғир ва вазмин, чуқур мушоҳада ва таҳлилга таянган ҳолда танлаган йўли асос бўлиб хизмат қилганини халқаро таҳлилчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқдалар.

Мисол учун, Жаҳон иқтисодий форуми томонидан эълон қилинган рейтингда иқтисодиёти энг тез ривожланаётган давлатлар орасида мамлакатимиз 5-ўринни эгаллагани, шунингдек, БМТ кўмагида АҚШнинг Колумбия университети томонидан ташкил этилган ижтимоий тадқиқотлар асосида эълон қилинган «Бутунжаҳон бахт индекси»да Ватанимиз 158 та мамлакат ўртасида 44-поғонани, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида 1-ўринни эгаллагани биз танлаган йўл нақадар тўғри эканлигининг амалий ифодасидир.

**O`zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда атрофлича муҳокама қилинди**



Солиҳ ЗОИР олган сурат

# Биринчи ўқишда кўриб чиқилди

**Акбар МУЗАФФАРОВ,**
«XXI asr»

Унда, энг аввало, жисмоний тарбия ва спорт баркамол авлодни шакллантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оилаларни мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, пировардида халқ фаровонлигини юксалтириш жараёнида нақадар муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

***Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш O`zLiDePнинг устувор вазифалари қаторига киради.***

Фракция аъзолари кун тартибидаги масалага партия позицияси нуқтаи назаридан ёндашдилар.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларнинг иқтисодий ва маънавий-ахлоқий асосларини мустаҳкамлаш, айниқса, қизларда жисмоний тарбия ва спортга меҳр уйғотиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш O`zLiDePнинг устувор вазифалари қаторига киради, — деди O`zLiDeP фракцияси аъзоси Абдурашид Абдуқодиров. — Ана шу жиҳатдан ҳам мазкур қонуннинг янги таҳрирда қабул қилинишидан манфаатдормиз.

Хўш, янги таҳрирда қандай ўзгартишлар назарда тутилмоқда? Таъкидлаш жоизки, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги қонуности ҳужжатлари инвентаризация қилинганда қонун даражасида мустаҳкамланиши лозим бўлган бир қатор нормалар аниқланди. Шунингдек, амалдаги қонунда асосий тушунчалар, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси фаолиятини ташкил этишни индивидуал ва дефференциал тартибга солиш, миллий спорт турлари ва ўйинлари, аҳолини жисмоний тарбияга оммавий жалб қилиш, соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш масалалари етарлича тартибга солинмаганлиги аён бўлди. Бундан ташқари, амалдаги қонуннинг айрим нормалари декларатив тусга эга эканлиги туфайли етарлича самара бермаётганлиги ойдинлашди.

Қизғин савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳаси ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, ушбу соҳада мутахассислар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий ва самарали спорт инфратузилмасини шакллантириш, юқори тоифали спортчилар ва спорт захирасини тайёрлаш учун зарур шароитлар яратишга доир талабларни жорий этишга хизмат қилиши таъкидланди.

Қонун лойиҳасида, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт тизимини давлат томонидан бошқаришга ваколатли орган билан жойлардаги маҳаллий ҳокимият, ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасида ваколатларни тақсимлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шу қаторда Вазирлар Маҳкамаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, маҳаллий ҳокимликларнинг ваколатлари кенгайтирилиши баробарида Халқ таълими ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг вазифа ҳамда функциялари аниқ белгилаб берилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Эътиборлиси, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида Хитой, Жанубий Корея, Италия, Франция, Германия, Россия Федерацияси ва бошқа мамлакатларнинг спорт соҳасидаги қонунчилиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган ва қўшилган халқаро ҳужжатлар ўрганилиб, уларнинг тегишли нормалари қонун лойиҳасида ўз ифодасини топди.

Йиғилиш якунида кўриб чиқилган масала юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

## Исми жисмига монанд «Бунёдкор»

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат гуруҳи аъзолари мамлакатимиз шаҳар ва туманларида олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Чунончи, Фарғона давлат университетининг 200 нафардан зиёд талабаси бунёдкорлик жараёнларига муносиб ҳисса қўшаяпти.**
**— Тенгдошларим билан кўп қаватли уйлар ва мактаб биноларини таъмирлашга кўмаклашаяпмиз, — дейди тарих факультети талабаси Фарҳоджон Иброҳимов. — Тажрибали қурувчиларга ёрдам бераётган ҳар бир ёшга ойига 500 минг сўмдан ортиқ иш ҳақи берилмоқда. Бу ерда меҳнат қилиш билан бирга кўнгилдагидек ҳордиқ чиқаришимиз учун барча шароитлар яратилганидан мамнунмиз.**
**Бунёдкор талабаларни рағбатлантириш мақсадида мутасадди ташкилотлар томонидан ташкил этилган «Энг яхши меҳнат жамоаси», «Меҳнат жамоасининг энг яхши аъзоси» сингари танловлар мазкур ҳаракат иштирокчиларининг салоҳиятини юзага чиқаришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.**
Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

# Аниқ таклифлар, тайинли тавсиялар

**Маълумки, O`zLiDePнинг парламентдаги фракцияси, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлари қабул қилинган қонун ҳужжатларининг ижросини назорат қилишга жиддий эътибор қаратяпти**



**Полянте СВЕШНИКОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Айниқса, партиянинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликни жадал ривожлантириш учун янада қулай муҳит яратиш, мазкур субъектларнинг хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишига йўл қўймаслик каби қатор вазифаларимизни амалга оширишда ушбу тизимдан тўлақонли фойдаланилмоқда. Энг муҳими, парламент ва депутатлик назоратининг кучайиши билан ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш, белгиланган дастурлар вақтида бажарилишига эришиш имконияти ортмоқда. Яна бир жиҳати — шу орқали нафақат марказ, балки олис туманларда ҳам аҳолини ўйлантираётган масалаларга ечим топиш, ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини ошириш учун кенг шароит яратилаётир.

Аввал хабар берганимиздек, Сурхондарё вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши билан боғлиқ таҳлил ҳам бу фикрнинг ёрқин далили бўла олади.

Хўш, бугунги кунда воҳада Хўжалик суди, Давлат солиқ бошқармаси ҳамда Адлия бошқармаси томонидан «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар ижроси ҳамда тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш борасида қандай амалий ишларга қўл урилмоқда?

Таъкидлаш жоизки, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 9-15 моддаларига биноан 2013-2014 йиллар ва жорий йилнинг дастлабки чорагида Сурхондарё вилоятида Хўжалик суди томонидан кўрилган ишларнинг аксариятида хусусий мулкдорнинг ҳуқуқлари тикланди.

Бу борада вилоят Адлия бошқармаси томонидан ҳам кўплаб амалий ишлар бажарилмоқда. Бошқармада тадбиркорлик субъектлари, жумладан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хусусий мулк эгаларидан 2014 йилда келиб тушган 345 та мурожаат кўриб чиқилган. Шундан 128 таси ижобий ечим топган. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса 81 та мурожаат кўриб чиқилиб, 22 таси қаноатлантирилди.

Маълумки, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда “ишонч телефонлари”нинг ўрни беқиёсдир. Унинг афзаллиги шундаки, бунда тадбиркорлар ўзларининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун турли оворагарчиликлардан холи бўлади. Хусусан, Адлия бошқармасининг “ишонч телефони”га ҳам кўплаб мурожаатлар келиб тушмоқда. Биргина жорий йилнинг 1-чорагида «ишонч телефони»га келиб тушган 18 та мурожаат кўриб чиқилди. Бунинг натижасида 6 та мурожаат белгиланган тартибда ҳуқуқий жиҳатдан қаноатлантирилди.

Мисол учун, «Жавлон Камронбек» МЧЖ иш юритувчиси А.Ботировнинг Олтинсой туман ҳокимлиги томонидан жамиятга ғишт ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун ер майдони ажратилмаётганлигидан норози бўлиб бошқарманинг «ишонч телефони»га қилган мурожаати ўрганилганидан сўнг Олтинсой туман ҳокимлигининг 2015 йил 16 мартдаги «Қорлиқ» маҳалласи ҳудудидан «Жавлон Камронбек» МЧЖга ғишт ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун 0,8 га ер майдони ажратиш ҳақидаги 185-сонли қарори қабул қилиниши таъминланди.

Маълумки, O`zLiDeP иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада оширишнинг энг муҳим шарти сифатида уни тузилмавий ўзгартириш ва диверсификациялаш жараёнини давом эттириш зарур, деб билади. Яъни, иқтисодиётда тугалланган технологик ишлаб чиқариш циклига эга, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган, минерал ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тўлиқ қайта ишлайдиган корхоналар улуши катта бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Бунда асосий эътибор маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳамда илғор замонавий технологияларни қўллаган ҳолда рақобатга чидамли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилиши лозим. Назорат-таҳлил фаолияти чоғида тадбиркорлар ва мутахассислар томонидан хусусий мулкдорларнинг эркин ривожланишини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоялашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича бир қатор аниқ таклифлар, тайинли тавсиялар ҳам ўртага ташланди.

Жумладан, «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуннинг 9-моддасида хусусий корхонанинг бошқа юридик шахсларни таъсис этишдаги иштироки белгиланган. Унга мувофиқ, хусусий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Ушбу ҳуқуқни оилавий корхоналарга ҳам бериш, яъни «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга янги — «Оилавий корхонанинг бошқа юридик шахсларни таъсис этишдаги иштироки» деб номланган моддани киритиш масаласини кўриб чиқиш таклиф этилди.

Сурхондарё вилоят Адлия бошқармаси томонидан ўтказилган ўрганишлар бўйича олиб борилган таҳлил натижалари шуни кўрсатмоқдаки, банк филиаллари томонидан тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари ажратишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 27 декабрда рўйхатдан ўтказилган «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида»ги низом талаблари турлича талқин қилинмоқда. Хусусан, низомнинг 26-бандида тадбиркорлик субъектининг аризаси келиб тушган кундан бошлаб уч иш кунидан ошмаган муддатда тижорат банкининг кредит қўмитаси томонидан ариза юзасидан асослантирилган қарор қабул қилиниши, 27-бандида эса кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилинганда кредит шартномаси тузилиши назарда тутилган.

Низомнинг 26-бандида белгиланган муддат сингари 27-бандида назарда тутилган кредит шартномаси тузишни ҳам аниқ вақт билан чегаралаш мақсадга мувофиқлиги таклиф этилмоқда. Нега деганда, кредит қўмитаси томонидан кредит ажратиш тўғрисида ижобий қарор қабул қилингандан сўнг айнан қанча вақт мобайнида кредит шартномаси тузилиши аниқ муддат билан чегараланган тақдирда тадбиркорлик субъектларига яна бир қулайлик яратилиб, тижорат банкларининг кредит ажратиш борасидаги масъулияти янада ошади.

Хусусан, Адлия бошқармаси томонидан ТИФ «Миллий банк»нинг Денов филиалида ўтказилган ўрганишда «Бахтиёров Камронбек» хусусий корхонаси раҳбари Б.Халияровнинг 12 ой муддатга йиллик 19 фоиз устама тўлаш шарти билан 40 млн. сўм кредит маблағи ажратишни сўраб қилган мурожаатига биноан, ўтган йилнинг 24 март куни банк филиали кредит қўмитасининг кредит ажратиш ҳақидаги қарори қабул қилинган бўлса-да, кредит шартномаси 2014 йил 24 апрель куни имзоланган. Шартнома тузилгандан сўнг, кейинги иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда кредит ссуда ҳисоб рақами очиб берилган. Эътибор берадиган бўлсак, мазкур ҳолат «Кичик тадбиркорлик субъектларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисида»ги низомда кредит ажратиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган вақт билан кредит шартномаси тузиш оралиғида аниқ муддат белгиланмаганлиги оқибатида юзага келган.

Бир сўз билан айтганда, кучли парламент назоратини ўрнатиш жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни жадаллик билан давом эттириш, муҳим ижтимоий муаммоларга жамият эътиборини жалб этиш ҳамда O`zLiDeP сиёсий платформасида белгиланганидек, ижтимоий фикрни шакллантиришда, энг асосийси эса тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаатларини ҳимоялашга хизмат қилади.

## Бир кунда ўн тонна

**Фарғона шаҳрида фаолият юритаётган Абдуқаҳҳор Жўрабоев раҳбарлигидаги «Expo color Printex» МЧЖ калава-ип ишлаб чиқаришга ихтисослашган.**
**— Президентимизнинг «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони шарофати билан корхонамизга хориждан сўнгги русумдаги тўқув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатдик, — дейди тадбиркор.**
**— Бир кунда 10 тонна калава-ип ишлаб чиқаряпмиз. Маҳсулотларимиз экспортини ҳам йўлга қўйдик.**
**Мазкур МЧЖда олинаётган даромад ҳисобидан яқин кунларда корхона кенгайтирилиб, тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади. Тадбиркорнинг таъкидлашича, эндиликда трикотаж маҳсулотларини ҳам экспорт қилиш кўзда тутилган. Эътиборлиси, йил якунигача ушбу МЧЖда яна 30 та янги иш ўрни яратилади.**
Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

**O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг «2014 йилда мамлакат озиқ-овқат саноатида амалга ошириладиган манзилли дастурларнинг ижроси юзасидан жойларда фаол жамоатчилик ва партиявий назоратни таъминлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатларда ўртага қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, халқ депутатлари Бухоро вилояти маҳаллий кенгашларидаги партия депутатлик гуруҳлари фаоллик билан иш олиб бормоқдалар. Натижада истиқболли лойиҳаларда белгиланган режаларни ўз вақтида рўёбга чиқариш, мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш имкони туғилаяпти. Жумладан, тадбиркорларга молия муассасаларидан кредитлар олиш, зарур асбоб-ускуна ва техник жиҳозлар етказиб бериш, ер майдонлари ва бинолар ажратишда яқиндан ёрдам кўрсатилмоқда. Жойларда депутатлик сўровлари, депутатлик гуруҳи эшитувларини ташкил қилиш, назорат-таҳлил фаолиятини тўғри ва самарали йўлга қўйиш бу борада муҳим аҳамият касб этаётир**







# МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

Вилоят озиқ-овқат саноати соҳасида белгиланган лойиҳалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг таъсирчан роли яққол кўзга ташланмоқда. Мана, бир мисол. Жорий йилнинг дастлабки беш ойи давомида Бухоро шаҳар озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга оид 30 та лойиҳадан 7 тасида кўзда тутилган режа-топшириқлар ўз муддатида уддаланди. Халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи аъзоларининг бу борадаги саъй-ҳаракатини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг жорий йилдаги вилоят босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган Илҳом Сайфиев раҳбарлигидаги «Ливадия Бухара» хусусий корхонасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтиришга доир истиқболли лойиҳани амалга ошириш учун «Микрокредитбанк»нинг вилоят бўлими томонидан 100 млн. сўм кредит ажратилганлиги, шунингдек, 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестиция йўналтирилганлиги эътиборга моликдир.

Энг муҳими, вилоят озиқ-овқат саноатини ривожлантириш бўйича режа-топшириқларнинг ижроси маҳаллий кенгашлардаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳлари йиғилишларида ўз вақтида кўриб чиқилиб, бу хусусда аниқ қарорлар қабул қилинмоқда. Ўтган давр мобайнида вилоят бўйича жами 1239 та иш ўрни яратилди, бир қатор ҳудудлар, жумладан, Бухоро шаҳри, Жондор, Ромитан, Вобкент, Қоракўл ва Бухоро туманларида бандликни таъминлаш борасида кутилган натижаларга эришилди. Ана шуларнинг барчасида депутатлик корпуси вакилларининг салмоқли ҳиссаси бор, албатта.

Маълумотларга қараганда, 2015 йил охиригача мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга оид 23 та янги лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Умумий қиймати 3,4 млрд. сўмга тенг бўлган 9 та лойиҳа, 3,4 минг тонна сутни қайта ишлаш имконини берадиган 12 та лойиҳа ана шулар жумласидандир.

Вилоятнинг Жондор, Қоровулбозор, Ғиждувон туманларида фаолият юритаётган депутатлик гуруҳлари учун жорий йилнинг иккинчи чораги анчайин самарали бўлди, десак адашмаймиз. Чунончи, «Жондор Чинор Чорва» МЧЖда паррандачиликни ривожлантириш, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи негизида гўшт маҳсулотлари етиштириш, Ғиждувон туманидаги «Шариф Жума» фермер хўжалиги қошида сутни қайта ишлашни йўлга қўйиш билан боғлиқ лойиҳалар ижроси ниҳоясига етказилмоқда.

Халқ депутатлари Бухоро шаҳар, шунингдек, Қоровулбозор, Ғиждувон, Жондор, Бухоро туман кенгашлари депутатлари Азизбек Содиқов, Бўстон Арслонов, Шоназар Ғайбуллаев, Нодирбек Отамуродов, Алишер Ҳайдаров ва бошқалар ўз бурчларига сидқидилдан ёндашиб, эл-юрт манфаати йўлида куч-ғайратларини аямаётирлар.

Жорий йилнинг учинчи чорагида вилоят бўйича амалга оширилиши белгиланган бунёдкорлик режалари ҳам кенг қамровли бўлиб, шу ҳисобдан 2,9 млрд. сўм қийматдаги 9 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш, 65 та қўшимча иш ўрни яратиш кўзда тутилмоқда. Жумладан, Олот туманидаги «Темурбек Ҳусаинов» хусусий ишлаб чиқариш корхонаси, Бухоро шаҳридаги «Бух-Тел» қўшма корхонаси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси, Жондор туманидаги «Чори Рўзи» фермер хўжалиги ва Ғиждувон туманидаги «Улуғбек Диёрбек Мехрожбек» МЧЖ негизида узум, мева-чева, сут маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бир қатор истиқболли режаларни амалга ошириш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга вилоятдаги 1305 та фермер хўжалигида интенсив боғлар, янги токзорлар барпо этиш, қайта ишлаш саноатини йўлга қўйишга муносиб ҳисса қўшиш ҳам партия ҳудудий тузилмалари олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Қатъият ва изчиллик, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар бу борадаги эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда ўз самарасини беришига ишонамиз.

# Фракция ва маҳаллий кенгаш ҳамкорлиги

**Халқ депутатлари Жиззах вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи, божхона хизмати ходимлари, тадбиркор ва фермерлар, ОАВ ходимлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган амалий мулоқот бўлиб ўтди**

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
«XXI asr»

Юртимизда тадбиркорлик ва ишбилармонлик ҳаракати ривожига берилаётган эътибор, яратилаётган қулай шароит туфайли хусусий сектор томонидан тайёрланган маҳсулотларни экспорт қилиш, хориждан зарур технологияларни олиб келиш бўйича амалга оширилаётган фаолият кўлами ҳам кенгайиб бормоқда. Бу эса бевосита божхона хизмати билан юзага келадиган муносабатларнинг замон талаблари асосида йўлга қўйилишини тақозо этмоқда. Шу боис янги таҳрирдаги кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишга эҳтиёж сезилди. Чунки тизимда қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини камайтириш, бир-бирига зид бўлган нормаларни бартараф этиш, уларни аниқ ва тушунарли ифодалаш давр талабидир. Мазкур лойиҳа муҳокамасига бағишланган амалий мулоқотда нафақат тажрибали тадбиркорлар, балки эндигина ўз бизнесини йўлга қўйишни режалаштираётган ёшларнинг ҳам фаол иштирок этганини айнан шу билан изоҳлаш мумкин.

— Масалага O`zLiDeP электорати манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, божхона кодексига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар, ишбилармонлар учун экспорт-импорт билан боғлиқ жараёнларни осонлаштириши билан аҳамиятлидир, — дейди халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Фарҳод Одилов.

Мулоқот давомида божхона ходимлари ва мутахассислари кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурияти нималарда акс этгани тўғрисида тўлиқ маълумот беришди. Жумладан, вилоят божхона бўлими бошлиғи Шерзод Расулов ўз чиқишида янги таҳрирдаги лойиҳа 12 та бўлим, 52 та боб ва 151 та моддани ўз ичига олгани, унинг амалга киритилиши бизнесни ривожлантириш ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида тадбиркорларга қулай шарт-шароит яратиши, божхона расмийлаштирувини амалга оширишда божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини қисқартиришини кўзда тутишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси бир қатор халқаро конвенцияларда акс этган ҳужжатлардаги стандартлар ва божхона қоидалари билан уйғунлаштирилган.

Ягона ахборот маконини шакллантиришдаги умумжаҳон тенденциясидан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирдаги кодекс лойиҳаси замонавий ахборот технологияларини кенг қўллашга йўналтирилган. Бу эса божхона расмийлаштируви учун зарур ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиш мумкинлиги, электрон декларациялар ва электрон рақамли имзодан фойдаланиш орқали божхона назорати жараёнини соддалаштириш, тезлаштириш, шунингдек, бошқа давлатлар божхона хизматлари, ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари ва декларантлар билан ахборот алмашишни янада яхшилашни англатади.

Тадбир давомида сўзга чиққан депутатлар Божхона кодекси лойиҳасининг янги таҳрирда қабул қилиниши партия электорати манфаатларига мослиги, янада қулай ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши, ташқи иқтисодий фаолият кўламининг ошишига хизмат қилиши, O`zLiDeP Сайловолди дастурида белгиланганидек, келгусида иқтисодиёт тармоқларининг экспортга йўналтирилишини кучайтириш, уни рағбатлантириш, янги транспорт йўлларини шакллантиришда ёрдам беришини таъкидлаб ўтдилар.

Амалий мулоқотда билдирилган таклиф ва фикр-мулоҳазалар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракциясига қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун тақдим этилди.

# Ҳудудий кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг кенгайтирилган мажлисида партиянинг 2015 ва кейинги йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастуридан келиб чиқилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши зиммасидаги устувор вазифалар ва бошқа муҳим масалалар муҳокама қилинди**

Кун тартибидаги асосий масала юзасидан O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев сўзга чиқди. У ўз сўзида, жумладан, сиёсий кучнинг ҳудудий ташкилоти тадбиркор ва фермерларнинг манфаатларини янада самаралироқ ифодалаши, улар фаолиятидаги муаммоларни аниқлаш ва ҳал этишга қаратилган асосли таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиши, шунингдек, аҳолининг сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга қаратилган дастурлар ижроси бўйича депутатлик назоратини янада кучайтириш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш Концепцияси»да илгари сурилган масалалар юзасидан тарғибот ишларини янада кенгайтириш, ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича ишларни жонлантириш, навқирон авлодни ёт ғоялардан ҳимоялаш, депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш борасида кўплаб таклифлар ўртага ташланди.

Сўнгра тўпланганлар эътибори ташкилий масалага қаратилди. O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши раиси лавозимига Жўқорғи Кенгесдаги партиямиз фракцияси раҳбари Сағиндиқ Турмановнинг номзоди тавсия этилди. Музокараларда Жўқорғи Кенгес депутати Муратбай Жуманов, «Камолот» ЁИҲ ҳудудий бўлинмаси раиси Абат Данияров ва бошқалар сўзга чиқди. Йиғилганлар С.Турманов номзодини якдиллик билан маъқулладилар.

Мажлис якунида кун тартибига қўйилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, истиқболга мўлжалланган вазифалар белгилаб олинди.

**O`zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши Матбуот хизмати.**

# Долзарб масалалар муҳокамаси

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Андижон вилоят кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Содиқжон Турдиев иштирок этди**

Кун тартибига мувофиқ партиямиз раҳбарининг «O`zLiDePнинг 2015 йил ва кейинги йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан партия Андижон вилоят кенгаши олдида турган вазифалар» мавзуига бағишланган маърузаси тингланди.

Йиғилишда партиянинг вилоят, туман ва шаҳар ташкилотлари фаолияти атрофлича таҳлил этилди. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ижросини назорат қилиш борасида партия тузилмалари, халқ депутатлари маҳаллий ва ҳудудий кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимиз масъулиятини кучайтириш, кичик бизнес вакиллари, қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш, улар дуч келаётган муаммолар бартараф этилишига кўмаклашиш, ёшлар бандлигини таъминлаш борасидаги вазифаларни бажаришда фаоллик кўрсатиш, партиянинг амалдаги ва истиқболдаги кадрлар захирасини шакллантиришга тааллуқли ишларни янада жонлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Мажлисда ташкилий масала кўрилди. Партиямиз Уставининг тегишли бандларига асосан ҳамда вилоят кенгаши аъзолари таклифлари инобатга олинган ҳолда партия ҳудудий кенгаши аъзоси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, Андижон қишлоқ хўжалик институти ректори Зухриддин Жумабоев номзоди вилоят кенгаши раислигига бир овоздан муносиб топилди.

**Элмира РАҲМОНОВА.**

# Истиқлол нуридан мунаввар юрт

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

**Носир ТОШЕВ,** «XXI asr»

Бинобарин, Президентимиз томонидан яқиндагина «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилинганлигида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Зотан унда барчамиз учун ардоқли саналган шонли айёмни муносиб кутиб олиш билан боғлиқ вазифаларга устувор даражада эътибор қаратилган. Шундай бўлиши ҳам керак. Нега деганда, халқимиз асрлар давомида интилиб ва курашиб яшаган мустақиллик неъматининг қадр-қимматини теран идрок этиш, барча соҳадаги ислоҳотлар, қўлга киритилган ютуқларнинг туб моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантириш бугун ҳар қачонгидан катта аҳамиятга эгадир.

**XXIV**
**КИМ ЭДИГУ КИМ БЎЛДИК?**

Яқин ўтмишда қолоқ аграр республика саналган, иқтисодиётининг асосини пахтачилик ташкил этадиган Ўзбекистон эндиликда ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлидан бориб, саноатлашган қудратли давлатга айланмоқда. Буни қуйидаги рақамлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Тарихан қисқа давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 баробар, аҳолининг реал даромадлари эса жон бошига нисбатан қарийб 9 бароборга кўпайди. Кўзланган юксак марраларга эришиш учун ўтган йиллар мобайнида ишлаб чиқариш соҳасига 190 млрд. доллар ҳажмидаги инвестициялар, жумладан, 65 млрд. доллардан ортиқроқ хорижий сармоялар киритилганлигини эслатиш ўринлидир. Ана шу ҳисобдан биз учун мутлақо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ кимёси, замонавий қурилиш материаллари саноати, фармацевтика, маиший электроника, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат ва тўқимачилик соҳаларига асос солиндики, эндиликда улар умумхалқ, умумдавлат манфаатлари йўлида хизмат қилмоқда.

Сирасини айтганда, ўн бир банддан иборат юқоридаги қарор мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча қатламларини чуқур қамраб олганлиги билан диққатни тортади. Бу ўринда изоҳнинг ҳожати йўқ. Модомики, мустақиллик энг улуғ, энг азиз байрамимиз экан, жойларда унга ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик кўриш ва муносиб тарзда нишонлаш биринчи галдаги муқаддас ишимизга айланиши лозим. Таъкидланганидек, 1990 йилда дон, картошка, гўшт, сут ва қандолат маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёж асосан импорт ҳисобидан қопланган бўлса, ҳозирги вақтда уларнинг 96 фоизи ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда. Ўтган қисқа давр орасида аҳоли жон бошига гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, мева-чева қарийб 4 марта, картошка етиштириш 1,7 баробарга кўпайган ва ҳоказо. Буларнинг барчаси юртимизда турмуш даражасининг юксалиб бораётганидан далолатдир. Истиқлол шарофати билан вужудга келган янги мулкчилик шакли — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари эндиликда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғини ишлаб чиқармоқда. Жами иш билан банд аҳолининг 75-77 фоизи айнан ушбу соҳада меҳнат қилаётгани янада қувонарлидир.

Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик эришилаётган оламшумул ютуқларнинг бош омили бўлмоқда, десак асло хато қилмаймиз. Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ инсон омилига, биринчи навбатда, кекса авлод вакиллари, хотин-қизлар ва ёшлар ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатиб келинаётгани ҳам бор гап. Хусусан, эркин фикрлайдиган, ўз эътиқодига содиқ, маънан ва жисмонан етук, замонавий билим ҳамда касб-ҳунарларни пухта эгаллаган иқтидорли йигит-қизларни камол топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини қайта-қайта таъкидлашга тўғри келади. Кейинги беш йилнинг ўзида мамлакатимизда 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 523 та спорт иншооти, 100 дан зиёд сузиш ҳавзаси қурилган ва реконструкция қилинган. Айни пайтда 2 млн. нафар ўғил-қизларимиз спорт билан мунтазам шуғулланишаётгани соғлом турмуш тарзи учун кураш фаолиятимиз мезонига айланганига ёрқин мисолдир.

... Истиқлол байрами тобора яқинлашмоқда. Бинобарин, унга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўриш жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар, сизу биз — барчамизга боғлиқ бўлган муҳим масаладир. Шу муносабат билан қарорда бир қатор вазирлик ва идораларнинг масъулияти кучайтирилиб, улар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам томошалари учун ҳозирданоқ тараддудни бошлаш, ушбу жараёнга турли ижодий ташкилотларни кенг жалб этиш кўзда тутилмоқда. Қолаверса, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси, «Тасвирий ойина», Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари турли кўнгилочар томошалар, оммабоп кўрик-танловларни ташкил этишда бош-қош бўлишлари жуда муҳимдир. Зеро, буларнинг ҳаммаси жойларда байрамнинг чинакам халқ сайлларига айланишига хизмат қилади.

Йигирма тўрт йил — тарих учун ғоят қисқа муддат. Миллат озодлиги эса вақт билан эмас, балки унинг амалдаги ижобати билан белгиланади. Юртбошимиз қайд этганидек, «... асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлигимизни англаш, инсоний шаънимизни, қадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгалик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихида олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак».

# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР

**«ИШБИЛАРМОН ТАЛАБА — 2015»**

## Қўйилган талаблар жиддий эди

**Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Интеллектуал салоҳиятли, изланувчан ёшларни излаб топиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқаришда O`zLiDeP Ёшлар билан ишлаш бўлими томонидан бир қатор лойиҳаларнинг ўтказилаётгани айни муддаодир**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»



Пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида O`zLiDeP томонидан «Ишбилармон талаба» стипендияси учун ташкил этилган кўрик-танловнинг Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда мазкур танловнинг туман босқичларида иштирок этган 200 нафардан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи талабаси орасида ғолибликни қўлга киритганларнинг 30 нафари куч синашди.

— Замонавий фикрлайдиган, билимли, жамиятда муносиб ўрин эгаллашга қодир баркамол авлодни тарбиялаш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш партиянинг устувор вазифаларидан биридир, — дейди O`zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мастура Хаитова.— Зеро, ёшлар салоҳиятини ривожлантириш, бу — келажакка сармоя киритиш, демак. Шу мақсадда ўсмирларни тадбиркорликка қизиқтириш, уларга ўз бизнесини ташкил этиш учун иқтисодий ва ҳуқуқий имкониятлар яратиш, салоҳиятли йигит-қизларни моддий рағбатлантириш мақсадида 2004 йилдан буён «Ишбилармон талаба» стипендияси учун кўрик-танлов ўтказиб келинаётир. Ўтган давр мобайнида кўплаб иқтидорли ёшлар ушбу партиявий лойиҳа туфайли тадбиркорлар сафидан ўрин олдилар.

Айтиш жоизки, ушбу тадбир талабаларни ишбилармонликка жалб этиш баробарида уларни партия дастурий ғоялари билан яқиндан таништириш орқали тарафдорларимиз сафини кенгайтириб боришда ҳам алоҳида ўрин тутаётир.

— Замон барчамиздан ташаббускор, изланувчан бўлишни талаб этмоқда, — дейди танловда биринчи ўринни қўлга киритган Яккасарой енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Мавлуда Тошмуродова. — Ғолиблик менга қанот бахш этгандай бўлди. Қалбимнинг туб-тубидан ҳур диёрнинг бахтли фарзанди эканлигимни ҳис этдим. Айни пайтда миллийлик ва замонавийликни уйғунлаштирган либослар, шунингдек, болакайлар учун махсус тўплам яратиш устида иш олиб бораяпман. Келажакдаги режаларим бир олам. Уларни амалга ошира олишимга аминман. Негаки, тинч ва обод юртимизда изланган, меҳнат қилган инсон албатта муродига етади.

Айтиш жоизки, иштирокчиларга қўйилган талаблар анчайин жиддий эди. Шу боис шоҳсупани эгаллаш осон кечмади. Ғолиб топилган уч нафар иштирокчи республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

## Пойтахтга йўл олган ёшлар

**Наманганддаги «Дўстлик» академик лицейида «Ишбилармон талаба-2015» танловининг вилоят босқичи ўтказилди**

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати

Унинг туман (шаҳар) босқичларини ташкил этишда вилоятдаги барча касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг ўқувчиларини тўлиқ қамраб олишга ҳаракат қилинди. Тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Натижада 350 нафардан зиёд иштирокчи етук мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати имтиҳонидан ўтиб, 36 нафарига вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланма берилди.

— Бу босқични юқори савияда ўтказишга пухта тайёргарлик кўрдик, — дейди O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Мусохон Юсуфжонов. — Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши каби ҳамкор ташкилотлар, тижорат банклари, солиқ идоралари вакиллари иштирокида ўтказилган беллашувда иқтидорли ёшлар ўзлари тайёрлаб келган маҳсулотлари ва инновацион лойиҳаларини намойиш этишди.

Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг ишини, номзод тўғрисидаги ҳужжатларни атрофлича ўрганишди. Бунда талабаларнинг O`zLiDeP, унинг Сайловолди дастури, тадбиркорликка оид режаларининг долзарблиги, сифати, компьютер технологияларидан фойдалана олиш кўникмаси, чет тилларини қай даражада билиши каби жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилди.

Танлов шартларини аъло даражада бажарган Малоҳат Тожибоева (Норин қурилиш ва сервис коллежи), Юсуфжон Валиев (Янгиқўрғон енгил саноат касб-ҳунар коллежи) ва Гўзалхон Абдуқаххарова (НамДУ қошидаги 1-академик лицей)га республика босқичига йўлланма берилди.

## Иқтидор намойиши

**O`zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, муҳим ҳаётий масалалар ижросига алоҳида эътибор қаратмоқда. Партиянинг «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» сингари истиқболли лойиҳалари доирасида амалга оширилаётган ишлар ана шулар жумласидандир**

**Дилора ЭСОНОВА,**
«XXI asr»

— Ўн йилдан буён ўтказиб келинаётган «Ишбилармон талаба» лойиҳаси ёшлар ўртасида катта қизиқиш уйғотмоқда, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Ҳусанхон Жабборов. — 2014 йилда Боёвут енгил саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Зуҳра Қўлдошева мавсумий кийим-кечаклар тикиш ва спорт тўгаракларини очиш, Янгиер касб-ҳунар коллежи битирувчиси Бегзод Ҳамдамов гипсокартон ишлаб чиқариш, Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежидан Гулираъно Ўразалиева паррандачилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш йўналишлари бўйича ўз лаёқатларини намоён этиб, яхши натижаларга эришган эдилар. Агар ўтган йили «Ишбилармон талаба»нинг туман ва шаҳар босқичларида 200 нафардан зиёд ўсмир қатнашган бўлса, бу йил улар сони қарийб 300 нафарга етди. Вилоят босқичида эса 33 нафар иқтидор соҳиби беллашди.

Ўз инновацион ғояларини тақдим этган йигит-қизлар маҳоратига ўрта махсус касб-ҳунар таълими, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармалари вакиллари, O`zLiDeP вилоят кенгаши ходимларидан иборат ҳайъат аъзолари баҳо берди.

Гулистон мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Севара Тўхтасинова миллий зардўзликнинг янги йўналиши — картинка услубида яратган маҳсулотлари лойиҳаси тақдимотини ўтказди. Пахтаобод қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабаси Шодиёр Алимовнинг замонавий архитектура услубида кўп қаватли уй-жой қуришга оид лойиҳаси ҳам иштирокчилар эътиборини тортди. Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Шодиёр нафақат тумандаги, балки вилоятдаги энг ташаббускор ёшлардан саналади. У «Юрт келажаги» кўрик-танловининг вилоят босқичи, «Баркамол авлод»нинг «Йилнинг энг яхши ихтирочиси» номинацияси ғолиби ҳамдир.

Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Дурдона Мадиёрова танловда уй шароитида махсус ускунада 10 кун ичида сувга ташланган уруғдан сифатли гул кўчатлари етиштириб бериш лойиҳаси билан қатнашди.

— Ушбу ускуна асосан қуёш батареяси ёрдамида ишлайди, — деди Дурдона. — Ундаги махсус идишчалардаги сувга гул уруғлари ташланиб, минерал ўғитлар билан озиқлантирилади. 10 кун ичида бизнинг чўл шароитига чидамли гул кўчатлари униб чиқади. Бу усулда помидор, бодринг, булғор қалампири кўчатларини ҳам тез етиштириб, тадбиркорликни йўлга қўйиш мумкин.

Ширин энергетика касб-ҳунар коллежи талабаси Шаҳзод Тожиқулов ўз тақдимотида махсус қурилма ёрдамида чиқиндилардан биогаз ишлаб чиқариш ва аҳолини арзон, сифатли ёнилғи билан таъминлаш лойиҳасини намойиш этди.

Гулистон санъат коллежи талабаси Ориф Сиддиқов эса уй шароитида ўзи яратган ускуна ёрдамида ҳар хил целлофан чиқиндиларидан турли хил арқон ишлаб чиқариш технологиясини намойиш этди.

Танлов натижаларига кўра, Сирдарё саноат касб-ҳунар коллежи талабаси Дурдона Мамадиёрова биринчи, Ширин энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи талабаси Шаҳзод Тожиқулов иккинчи, Гулистон санъат коллежидан Ориф Сиддиқов учинчи ўринни эгаллаб, танловнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

## ҲИМОЯТНИНГ БИЗНЕСДАГИ «ҲУЖУМ»И

**— O`zLiDeP том маънода амалий ишлар партияси, — дейди оқолтинлик тадбиркор Ҳимоят Эралиева**

**Ўз мухбиримиз**

Бугун нафақат партия аъзоси, балки вилоятдаги фаолларимиздан бирига айланган Ҳ.Эралиева 2011 йилда Оқолтин тумани марказидаги эски почта биносини ижарага олиб, тадбиркорликни бошлаганида «Очилбек чаман гуллари» тикувчилик фирмаси вақти келиб катта корхоналардан бирига айланишини тасаввур ҳам қилмаганди. Мўъжазгина цехда устоз-шогирд анъанаси асосида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг амалиётини йўлга қўйгач, миллий либослар ишлаб чиқарувчи хусусий корхона тезда тилга тушди. Чеварчиликка иштиёқманд ёшлар сони кўпая бошлагач эса партиявий лойиҳаларда фаол иштирок этиб, икки маротаба имтиёзли кредит олди.

«Ташаббус-2012» кўрик-танловида қатнашиб, «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси ғолиби бўлди. Айни пайтда цехни Одина Эралиева бошқараяпти. Ҳимоятнинг ўзи эса «Учқўрғонлик Нодирабегим» фермер хўжалиги ташкил этиб, 2 минг тупга яқин тут кўчати етиштиряпти. 40 сотих ерга помидор-бодринг экди. 20 туп лимон кўчати ўтқазди. Ҳовлисидаги мўъжазгина иссиқхонада 7 хил турдаги ноёб гул парваришланаяпти. Эрта баҳорда сотувга чиқарилаётган бу гуллардан келаётган даромад ҳам оила бюджетини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

— Меҳнатимиз зое кетмаяпти. Даромадимиз йилдан-йилга кўпайиб, имкониятимиз ортиб бормоқда, — дейди у. — Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси тадбирларидаги иштироким ҳаётда ўз ўрнимни топишимда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади. Келажакка бўлган ишончимни оширди, қўлга киритаётган ютуқларимни мустаҳкамлашга ўргатди.

Ҳақиқатан ҳам тадбиркорлар манфаатини изчил ҳимоялайдиган шундай сиёсий куч борлиги, унга бемалол суяниш мумкинлиги Ҳимоятга янги ғоялар учун рағбат бағишлади. Эндиликда у Сирдарё вилоятининг чекка ҳудудларидан бири бўлган Оқолтин туманидан ўтувчи катта йўл бўйида замонавий бозор қуриш ниятида.

## Жиззахда бир семинар бўлди

**Унда долзарб партиявий вазифалар муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди**

**Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,**
«XXI asr»

Ташкилотчилик қобилиятига эга партия фаоллари ва депутатлик корпуси вакилларининг партия ҳудудий кенгашлари ишидаги мунтазам иштироки O`zLiDeP-нинг дастурий ғоялари ва Сайловолди платформасини рўёбга чиқаришда алоҳида аҳамият касб этади.

Яқинда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган O`zLiDeP вилоят ва туман (шаҳар) кенгашлари раҳбарлари, масъул ходимлари, маҳаллий вакиллик органларидаги депутатлик гуруҳлари аъзолари, йирик бошланғич ташкилотлар етакчилари, Сиёсий таълим маркази мутасаддиларининг амалий семинарида айнан шундай масалалар муҳокама этилди. Амалга оширилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолати бугунги давр талаблари билан солиштириб чиқилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, семинарни ташкил этиш чоғида партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши фаолиятини атрофлича ўрганиш асносида вилоятдаги ҳудудий ташкилотлар фаолиятига холисона баҳо берилди.

*Тадбир доирасида иштирокчилар «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан ҳам танишдилар. «JIZZAXKENTEX» хусусий корхонасида БПТ очилишига бағишланган йиғилишда иштирок этдилар.*



Семинар иштирокчилари турли соҳа мутахассислари, олий ўқув юртларининг экспертлари ва партия ходимлари билан биргаликда электорат билан ишлашнинг бугунги аҳволи, жойлардаги ёшлар ва аёллар қанотлари фаолиятини атрофлича таҳлил қилдилар. Қатнашчиларга ёшларни кичик бизнесга кенг жалб этиш, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, партиявий лойиҳаларни ҳамжиҳатликда амалга ошириш, давра суҳбатлари ва бошқа оммавий тадбирларни ўтказиш каби йўналишлар механизми, шунингдек, ташкилий ва кадрлар фаолиятига оид масалалар, уларни самарали йўлга қўйишнинг социал-психологик асослари тўғрисида тушунча берилди.

Тадбир доирасида иштирокчилар «Жиззах аккумулятор заводи» АЖ бошланғич партия ташкилоти фаолияти билан ҳам танишдилар. «JIZZAXKENTEX» хусусий корхонасида БПТ очилишига бағишланган йиғилишда иштирок этдилар.

Анжуман якунида кун тартибидаги масалалар юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Барча туманларда шу мавзуда амалий семинарлар ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

## «Зиёнур экспресс» — тарғибот маҳсули

**O`zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши томонидан «Оилавий тадбиркорлик — аёллар бандлигини таъминлашнинг муҳим омили» мавзуида амалий семинар ташкил этилди**

**Ўз мухбиримиз**

— Оилавий тадбиркорликни йўлга қўйишни ният қилганлар аввало ҳуқуқий ва иқтисодий тушунчаларга эга бўлиши даркор, — деди партия вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Зилола Собирова. — Бундан ташқари, танлаган йўналиши бўйича ўзига яраша кўникмага ҳам эга бўлиши зарур. O`zLiDeP ана шундай тайёргарликка эга, яъни партиянинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси иштирокчиларидан 25 нафарига жорий йилнинг олти ойи давомида 500 млн. сўмдан зиёд кредит маблағи олишига кўмаклашди. Бунинг натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Партия тарғиботи туфайли тадбиркорликка қўл урган қувалик Дилором Салимова айни пайтда «Зиёнур экспресс» хусусий корхонаси раҳбарига айланди. Жорий йилда партиявий лойиҳада ғолибликни қўлга киритиб, «Микрокредитбанк»нинг туман филиалидан 30 млн. сўм кредит олди. Қолипли нон ишлаб чиқариш ускунасини ўрнатиб, 5 та янги иш ўрни яратди.

*O`zLiDeP ана шундай тайёргарликка эга, яъни партиянинг «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси иштирокчиларидан 25 нафарига жорий йилнинг олти ойи давомида 500 млн. сўмдан зиёд кредит маблағи олишига кўмаклашди. Бунинг натижасида 100 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.*

Тадбирда қатнашган Марказий банк вилоят бош бошқармаси кредит бўлими бошлиғи Акромжон Турсунов оилавий бизнесни ташкил этиш ва ривожлантиришда суғурта бозори, молия муассасаларининг ўрни, кредит маблағини олиш ва ундан самарали фойдаланиш, гаров таъминоти ҳужжатларини расмийлаштириш тартиблари тўғрисида иштирокчиларга батафсил маълумот берди.

Семинар сўнгида мутасаддилар қатнашчиларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтардилар.

### Ёш истеъдодлар баҳси

**Фарғонада O`zLiDePнинг «Ишбилармон талаба-2015» кўрик-танлови вилоят босқичи бўлиб ўтди.**
**Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган мазкур тадбирда лойиҳанинг шаҳар ва туман босқичларида юқори натижани қайд этган 27 нафар ёш ўз билим ва маҳоратини намойиш этди.**
**— Мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, ҳаётимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишлар замирида ҳуқуқий-демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этишдек эзгу мақсадлар мужассам, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Юсуфжон Юсупов. — Бу мақсадларни рўёбга чиқариш, хусусан, навқирон авлоднинг юртимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларда фаоллигини ошириш ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашишда ушбу танлов алоҳида аҳамият касб этмоқда.**
**Риштон иқтисодиёт касб-ҳунар коллежининг 2-босқич талабаси Оҳиста Аҳмадалиева биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Бешариқ автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежининг 1-босқич талабаси Мухтасар Умарова қўлга киритган бўлса, учинчи ўринга Марғилон шаҳридаги ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Нилуфар Шерматова муносиб топилди. Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Эндиликда улар танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.**

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ

### Яна 30 нафар битирувчи сертификат олди

**O`zLiDeP Наманган вилоят кенгаши ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Косонсой ва Мингбулоқ туманларида семинарлар ўтказилди.**
**Ушбу тадбирлардан кўзланган асосий мақсад Президентимизнинг 2010 йил 28 июлдаги «Таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ҳамда 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари талабларидан келиб чиқиб, ёшларни иш билан таъминлаш, ишбилармон аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, чекка ҳудудларда истиқомат қилувчи бизнесга қизиқувчи ёшлар ва хотин-қизлар учун банк хизматларидан янада кенгроқ фойдаланишни таъминлашдан иборат бўлди.**
**Семинарларда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий сектор субъектларини қўллаб-қувватлашда давлатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароитлар, имтиёзлар ҳамда кўрсатилаётган банк хизматлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.**
**Тадбирлар якунида коллеж битирувчиларидан 30 нафарига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи махсус сертификатлар «Микрокредитбанк» АТБ мутасаддилари томонидан топширилди.**

Ўз мухбиримиз.

www.21asr.uz
2015-YIL 23-IYUL, PAYSHANBA

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КУЧЛИ ҚУЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

«XXI ASR» 30 (610)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

*«ПАРТИЯНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КЕНГАШИ РАИСИ:*
*– ПАРТИЯНИНГ ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ, КЕНГАШИ ВА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҚАРОРЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ, ШУ МАҚСАДДА БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛЛАШТИРАДИ ВА МУВОФИҚЛАШТИРАДИ;*
*– ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КЕНГАШИ, ИЖРОИЯ ҚЎМИТАСИ МАЖЛИСЛАРИНИ ОЛИБ БОРАДИ ВА УШБУ МАЖЛИСЛАР ҚАРОРЛАРИНИ ИМЗОЛАЙДИ;*
*– БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВА УНИНГ ЎРИНБОСАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРНИ ТАСДИҚЛАЙДИ;*
*– БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ПАРТИЯГА АЪЗОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАЙДИ;*
*– ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ, АЪЗОЛИККА ҚАБУЛ ҚИЛИШ, АЪЗОЛИКНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШ, АЪЗОЛИКДАН ЧИҚАРИШ ТАДБИРЛАРИНИ БЕВОСИТА АМАЛГА ОШИРАДИ;*
*– ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КЕНГАШИ, ТУМАН (ШАҲАР) БЎЛИМИ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ВА КЕНГАШИ ТОМОНИДАН БЕРИЛГАН БОШҚА ВАКОЛАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ».*

O`zLiDeP Уставидан.

## Бу йил ҳам Қўшкўпирдаги энг яхшиси аниқланади

**Инсоннинг меҳнати-ю маҳорати, билими-ю иқтидори ўз вақтида муносиб эътироф этилса, қадрланса, қандай яхши. Бундай эътибор кишининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшади, янги ютуқларга илҳомлантиради. Шу каби ташаббусларнинг ишбилармонлар, фермерларни бирлаштириб турган сиёсий куч томонидан чиқиши эса нур устига аъло нур, албатта**

Гап шундаки, ўтган йили O`zLiDeP Қўшкўпир туман кенгаши таркибидаги фаол бошланғич ташкилотлар механизаторларни моддий ва маънавий рағбатлантириш таклифини илгари суришганди. Партия Хоразм вилоят ташкилоти, Фермерлар кенгашининг ҳудудий бўлинмаси, Қўшкўпир туман ҳокимлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Агротехсервис» МЧЖ, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг туман кенгаши ва бошқа ташкилотлар мазкур ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Кўп ўтмай, Қўшкўпирдаги фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган механизаторлар ўртасида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллик байрамига бағишлаб «Энг яхши механизатор» танлови юқори савияда ўтказилди.

Тумандаги фермер хўжаликларига хизмат кўрсатаётган механизаторлар орасида соғлом рақобатни юзага келтириш, ҳалол меҳнатини шарафлаётган ва ҳамкасблари, эл-юрт ҳурматини қозонганлар ишини рағбатлантириш мақсадида ўтказилган танлов шартлари иштирокчилар ичидан энг муносибларини саралаб олиш имконини берди. Чунончи, биринчи шартга кўра, улар ўз маҳоратларини амалий жараёнларда намойиш қилдилар, яъни техника воситасида турли ишларни бажардилар, тиркама ва мосламаларни алмаштириш, созлаш бўйича ўз кўникмаларини кўрсатдилар. Иккинчи шартга мувофиқ, тракторнинг техник хусусиятлари бўйича махсус саволларга жавоб бердилар. Учинчи шарт эса қатнашчининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, дунёқараши, қизиқишлари ҳамда оиласига бўлган муносабатини аниқлашга йўналтирилган эди. Тажрибали механизаторлар, соҳа мутахассислари, партия фаолларидан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир иштирокчининг чиқишини холис баҳолади. Ғолибларга ҳамкор ташкилотлар томонидан пул мукофотлари, қимматли совғалар топширилди. Тадбирнинг ижобий таъсири шунда ҳам намоён бўлдики, ана шу касбга иштиёқ уйғонган ёшларнинг кўпайгани яққол сезилди.

Жорий йилда ҳам Истиқлол айёми арафасида ушбу танлов яна ўтказилишини эшитган механизаторлар унга ҳозирликни бошлаб юбордилар.

— O`zLiDeP ташаббуси билан механизаторлар ўртасида ўтказилаётган танлов бизга нисбатан алоҳида эътибор намунаси, — дейди танловнинг ўтган йилги иштирокчиси, «Дуржон момо» фермер хўжалиги механизатори Ҳажибой Ваисов. — Инсон истеъдоди ва меҳнатининг ана шундай эъзозланиши кўнглимизни тоғдек кўтаради. 36 йиллик тажрибамда бирор марта механизаторлар ўртасида танлов ўтказилганини эслай олмайман.

— Ғалладан мўл ҳосил олдик. Пахта ҳосилини ҳам бекаму кўст йиғиб-териб, шартномавий режаларни илғорлар қаторида уддалаш ниятидамиз, — дейди Қўшкўпир туманидаги «Мамнун» фермер хўжалиги механизатори Неъматжон Раҳимов. — Мен ўтган йилги танловда ғолибликни қўлга киритган эдим. Оила аъзоларим, фермер хўжалиги ишчи-хизматчилари қутлаганда ўз касбимдан янада фахрландим. Бу йил ҳам танловда қатнашишга аҳд қилдим.

— Одамларнинг маълум ғоя атрофида бирлашишига «инсоний омил», яъни меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор каби илиқ муносабатлар ҳам кучли таъсир кўрсатади, — дейди Қўшкўпир туманидаги «Ҳамроҳ» фермер хўжалиги раҳбари, БПТ етакчиси, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Бектурди Ортиқов. — Юртдошларимизга партия фаоллари томонидан эътибор берилиши сиёсий куч нуфузини оширишда, унинг хайрихоҳларини кўпайтиришда ўзига хос аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, биз тумандаги бошқа қуйи бўғинлар билан келишган ҳолда тилга олинган танловни ўтказиш таклифини ўртага ташлагандик. Ташаббусимиз кўпчиликка маъқул бўлди. Унинг бу йил ҳам давом этишидан хурсандман. Ўйлайманки, касб-корига, шу заминга бўлган меҳри ва садоқатини намойиш қилаётган, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган механизаторлар танловда фаол иштирок этадилар.

**Дурдона ҚОБУЛОВА,**
**O`zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши ҳузуридаги Сиёсий таълим маркази раҳбари.**

## ҚУЙИДАН ЧИҚАЁТГАН ТАШАББУСЛАР

**Тошкент вилоятида бугунги кунда 35 минг нафардан ортиқ партия аъзоси 723 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Таҳлиллар ҳудудда сўнгги йилларда партия аъзолари сони асосан ёшлар ҳисобига ортиб бораётганини кўрсатмоқда. Чунончи, жорий йилнинг олти ойи мобайнида яна 1400 га яқин киши O`zLiDeP аъзолигига қабул қилинди**

**Зиёдулла МЎМИНОВ,**
«XXI asr»



Уларнинг қарийб 40 фоизини ёшлар, 30 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этаётгани либерал-демократик ғоялар тобора оммалашаётганидан далолат. Айниқса, Қибрай, Юқори Чирчиқ, Чиноз, Зангиота, Оҳангарон туманларида маслакдошларимиз сўнгги йилларда 2 баробарга ошган.

— Партия туман кенгашларига бошланғич партия ташкилотларимиздан деярли ҳар куни мурожаат бўлаяпти, тадбиркорлар, фермерлар, ҳунармандлар сафимизда бўлиш истагини билдиришаяпти, — дейди O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши БПТлар билан ишлаш бўлими мудири Диёра Болтаева. — Масалан, 2013 йилнинг тегишли даврида вилоятда 14 мингга яқин, 2014 йилда 25 минг, бугунги кунда эса 35 мингдан зиёд аъзомиз бор. Уларни бирлаштириб турган қуйи бўғинларимизнинг сони ҳам ортиб, бугунги кунда салкам 730 тани ташкил этаяпти. Шу ўринда яна бир жиҳатга диққат қаратсак: 4-5 йил аввал БПТларга ўртача 5-10 нафар аъзо бирлашган бўлса, бугунги кунда улар таркибида 30 нафардан 150 нафаргача ҳаммаслагимиз фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг аксариятини мустақил фикрлайдиган, мамлакатимизнинг бугуни ва эртасига бефарқ бўлмаган ёшлар ташкил этади. Келажагимиз ворислари орасида Зулфия мукофоти совриндорлари, спорт бўйича мамлакат, Осиё, жаҳон биринчиликлари ғолиблари борлиги партиямиз нуфузини оширмоқда. Шунинг баробарида O`zLiDePнинг ёш аъзолари ичидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, вилоят, туман ва шаҳарлар кенгашларига депутатлар сайлангани партиямиз йилдан-йилга ёшариб бораётганидан дарак бераяпти. Туманлар мисолида кўрадиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Зангиота, Оҳангарон туманларида 200 нафаргача, Юқори Чирчиқ, Бўка, Янгийўл, Чиноз туманларида 150 нафардан ортиқ киши партия сафига қабул қилинди.

— Партия аъзолари сони ҳозиргидан-да кўпроқ бўлиши мумкин эди. Бироқ биз асосан сифатга эътибор бердик. Шундай бўлса-да, туманнинг ҳар хонадонида партиямизнинг бир ёки икки аъзоси бор десам, муболаға бўлмайди, — дейди O`zLiDeP Қибрай туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Зарофат Муҳаммедова. — Жорий йилнинг ўтган ярмида 100 дан ортиқ киши ўз ҳаётини партиямиз билан боғлади. Уларнинг аксарияти 30 ёшгача бўлган ёшлар. Электорат ўзагини тадбиркорлар, фермерлар ташкил этгани учун ҳам ёшларимиз ишбилармонлик тамойилларини ана шу тажрибали инсонлардан ўрганишмоқда. Ёшларга банк-молия муассасалари, назорат идоралари билан ишлаш, бозор муносабатлари бўйича сабоқлар бериш учун жойларда Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси, Фермерлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда учрашувлар ташкил этаяпмиз. Эътибор беринг: 2013 йилда туманда партия аъзолари сони 843 нафарни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 2800 нафарга етди. Бугун эса аъзоларимиз сони салкам 3400 нафар. Бошланғич партия ташкилотларимиз эса 46 та. Ташаббус қуйидан чиқяпти: ҳар куни қайсидир тадбиркорлик субъекти ёки фермер хўжалиги вакили БПТ очиш таклифи билан туман кенгашига келаётир.

Бугунги кунда Қибрай туманида 354 та фермер хўжалиги, 151 та тадбиркорлик субъекти, 342 нафар якка тартибдаги тадбиркор фаолият кўрсатмоқда. Тадбиркор ва фермерларнинг туман ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишидаги улуши қарийб 60 фоизни ташкил этаяпти. Эътиборлиси, тадбиркорларнинг аксарияти, фермерларнинг деярли барчаси, корхона ва хўжаликларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг кўпчилиги O`zLiDeP аъзосидир.

— Масалан, тумандаги «Азизжон» фермер хўжалигини олайлик. Асосан чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан бирга кўп тармоқли хўжалик сифатида қайта ишлашни ҳам йўлга қўйиб, аҳолига 10 дан ортиқ турда жаҳон стандарти талабларига тўла жавоб берадиган маҳсулот етказиб бераяпти, — дейди З.Муҳаммедова. — Фермер хўжалиги бошлиғи Аъзамжон Султоналиев партиямиз фаолларидан бири. Унинг етакчилигида фермер хўжалигида таянч тузилма фаолият кўрсатмоқда. Бундай БПТлар бугунги кунда туманимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ташкил этилган. Мисол учун, Саодат опа Абдумавленова бошчилигидаги «Микс Мастер Икром» МЧЖ энг чекка — Зафаробод қишлоғида жойлашган. Корхона ишчиларининг кўпчилигини касб-ҳунар коллежини тугатган ёшлар ташкил этади. Жорий йилда ҳам 8 нафар шундай йигит-қиз ишга қабул қилинди. Жойларда тадбиркор ва фермерларимиз ёрдамида янги иш ўринлари яратилаётгани учун ҳам бизга эргашадиганлар сони ортиб бораяпти. Яқинда бўлиб ўтган партия вилоят ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида туманларда амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳам тилга олиб ўтилгани бизга янада каттароқ масъулият юклади.

Маълумки, партия аъзолари, БПТлар қанчалик кўп бўлса, либерал ғоялар қамрови ва таъсири шунчалик кенгаяди. Шу боис ушбу мақолада рақамларга кўпроқ ўрин берилди. Лекин, унутмаслик керакки, ўтган сайловда электоратимиз манфаатларини ифодалаш, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар ҳал этилишига кўмаклашиш борасида ҳам талай ваъдалар берганмиз. Уларни бажариш биринчи галдаги вазифамиздир.

— Ўтган ярим йил натижаларини таҳлил этадиган бўлсак, бу борада ҳам бир мунча ижобий ўзгаришлар юз берганини кўриш мумкин, — дейди Д.Болтаева. — Айниқса, БПТлар томонидан туман кенгашлари сессияларига ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича таклифлар киритилаётгани уларнинг иши фаоллашиб бораётганидан далолатдир. Масалан, Қибрай туманидаги «Мин Хивин Бизнес» корхонасидаги қуйи бўғин раҳбари Комилжон Мирсагатов қатор қишлоқларнинг ички йўлларини таъмирлаш бўйича туман кенгаши сессиясига таклиф киритган эди. Бу масала манзилли дастурга киритилди. Ана шундай фаол БПТлар етакчиларидан бири Марат Турлибеков ҳам қишлоқларда иш ўринлари яратиш, ободончилик ишларини ташкил этишга оид масалаларни кўтариб чиққан эди. Бу таклифлар ҳам туманнинг 2016 йилга мўлжалланган манзилли дастуридан ўрин олди. Мазкур жараёнда депутатларимизнинг ҳам ўрни сезилаяпти. Чунки туман кенгаши сессияси кун тартибига киритилиб, кейин пайсалга солинган масалалар юзасидан вилоят кенгашлари депутатлари сўровлар билан чиқишаётгани кўтарилган масалалар ечимига ижобий таъсир ўтказмай қолмаяпти. Жорий йилнинг I ва II чоракларида тегишли ташкилотларга турли масалалар бўйича депутатлик сўровлари юборилиб, уларнинг аксариятини БПТларимизнинг ташаббуси билан банклардан кредит олиш, тадбиркорликни бошлаш учун ер ажратиш, коммуникация тизимларига уланиш борасидаги муаммолар ташкил этди.

Амалга оширилган ишлар баробарида ҳали бажарилиши лозим бўлган масалалар етарли эканлиги ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Шунингдек, партиявий интизомни мустаҳкамлаш, аъзолар сонини ошириш, сифат жиҳатдан янгиланган БПТлар фаолиятини йўлга қўйиш ҳам бош вазифамиз бўлиб турибди.

## Тарғибот — ғоявий таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси

**Шу йилнинг май ойида Бухоро вилоятида ўтказилган республика амалий семинари иштирокчилари «Бухоро халқаро аэропорти»даги БПТ фаолияти билан танишганларида ушбу қуйи бўғин фаолиятини оммалаштириш зарурлигини алоҳида қайд этдилар...**

**Асхор ИСТАМОВ,**
«XXI asr»

O`zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши таркибида 1542 нафар аъзони бирлаштирган 58 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Партия дастурий ғояларини тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоялаш бўйича улар томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, фаоллар турли мавзулардаги давра суҳбатлари, мулоқот ва семинар машғулотлари ўтказишга алоҳида эътибор беряптилар. O`zLiDeP шаҳар кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Собир Ҳамроевнинг маълум қилишича, айниқса, «Бухородон» АЖ, Бухоро муҳандислик-технология институти, «Музаффар Файз» МЧЖ, «Ширбуддин» ҚФЙ сингари ташкилот ва муассасалардаги қуйи бўғинларнинг ишчанлиги, ташаббускорлиги кўзга ташланмоқда. Жумладан, «Бухоро» халқаро аэропортидаги Исмоил Умаров етакчилик қилаётган таянч тузилма ҳам шаҳардаги ҳаммаслакларимиз орасида ўзига хос мавқе қозонган. Бугунги кунда 80 нафар партия аъзосини бирлаштирган мазкур БПТга 2010 йили асос солинган.

— Партия сафига кириш истагида бўлган кишилар билан ўтказиладиган дастлабки суҳбатдаёқ улар O`zLiDePнинг асосий мақсад ва вазифаларидан озми-кўпми хабардор эканликларига амин бўлаяпмиз, — дейди БПТ етакчиси. — Янги аъзоларнинг сиёсий билимларини янада бойитиш, партиямизга ишончини мустаҳкамлаш биринчи галдаги вазифамизга айланган. Тарафдорларимиз, хайрихоҳларимиз ҳам оз эмас. Айтмоқчиманки, O`zLiDeP обрў-эътибори ҳудудда тобора ортиб бораяпти.

Дарҳақиқат, шундай. БПТ хонасига кирсангиз, кейинги пайтда ўтказилган турли мавзулардаги тадбирлар хусусида ҳикоя қилувчи стенд материаллари, юзма-юз учрашув ва мулоқотлар чоғида олинган фотосуратлар альбоми, нуфузли танлов ва анжуманларда топширилган диплом ва сертификатларга кўзингиз тушади. Ахборот стендидан тегишли маълумотлар жой олган. БПТ аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий билимларини мустаҳкамлаш ва шу орқали тадбирлар савиясини юксалтириш қуйи бўғин етакчисининг доимий эътиборида. Айниқса, Юртбошимизнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини ўқиб-ўрганишга бағишланган очиқ мулоқот, давра суҳбатларини ўтказишга бу ерда алоҳида эътибор берилаяпти.

— Тарғибот — даъваткор сўз. Ғоявий таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси, — дейди таянч бўғин раиси. — Бинобарин, ташвиқот ишларининг ҳар жиҳатдан мукаммал бўлиши учун бор имкониятлардан унумли фойдаланаяпмиз.

Партиявий тадбирларни уюштиришда Нодира Шукурова, Мирсаид Шукуров, Илҳом Юсупов, Муниса Қиличева каби аъзолар жонбозлик кўрсатишаяпти. Чунончи, «O`zLiDeP қуйи бўғинларининг мамлакатимиз ижтимоий ва иқтисодий ривожланишида тутган ўрни ва вазифалари» мавзусидаги давра суҳбати жамоатчиликка манзур бўлди. Шу билан бирга БПТ аъзоларининг O`zLiDeP вилоят ва шаҳар кенгашлари томонидан ўтказиб келинаётган партиявий ўқувларда фаол иштирок этишаётгани уларнинг билим даражаси ва салоҳиятини оширишда катта аҳамият касб этмоқда. Жумладан, яқинда қуйи бўғин фаоллари O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси, партия вилоят кенгаши ва Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳудудий бўлинмаси ҳамкорлигида ўтказилган «Жойларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бу соҳадаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратилган қонунларнинг ижроси устидан парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ташкил этишнинг муҳим вазифалари» мавзусидаги амалий мулоқотда қатнашиб, партиявий ишлар самарадорлигини оширишда асқотадиган аниқ йўл-йўриқ, тавсия ва таклифларни олдилар.

Баён этилганларнинг барчаси БПТнинг кундалик фаолиятида сон ва сифат уйғунлигини таъминлаяпти. Қуйи бўғин етакчиси ва аъзолари бошланғич партия ташкилоти иш режасига киритилган турли тадбирларни ижодий ёндашган ҳолда амалга оширишга интилмоқдалар.

## Оилавий бизнесга қизиқиш кучли

**Янгиобод туманида ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор натижасида аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш имконияти кенгаймоқда. Эътиборлиси, бу ишларга O`zLiDePнинг тумандаги 22 та бошланғич ташкилоти ҳам ўзига хос ҳисса қўшмоқда. Мисол учун, яқинда «Пучуғой» МФЙ ҳудудида тузилган БПТ ташаббуси билан «Оилавий бизнесни йўлга қўйиш усуллари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**Тадбирда депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари, ёшлар ва аёллар иштирок этдилар.**

**Сўзга чиққанлар юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қонун ва қонуности ҳужжатлари, O`zLiDePнинг ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги лойиҳалари тўғрисида батафсил маълумотлар бердилар.**

**Жумладан, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага», «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби лойиҳаларда иштирок этган бир қанча янгиободликлар ўз бизнесини йўлга қўйиб, тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлишгани, улар нафақат ўз оиласи фаровонлигини, балки янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини ҳам таъминлаётгани ҳаётий мисоллар орқали баён этилди. Ушбу мавзу одамларни қанчалик қизиқтириши уларнинг мутахассисларга берган саволларида ҳам яққол намоён бўлди.**

**Умуман, жорий йилда тумандаги партия таянч тузилмалари томонидан 30 дан ортиқ ғоявий-сиёсий тадбир уюштирилди. Бу эса аҳоли, айниқса, электорат ўртасида сиёсий куч нуфузи ортиши, маслакдошларимиз кўпайишига хизмат қилмоқда. Амалдаги йилнинг олти ойи давомида туманда партия сафига 40 киши қабул қилингани ҳам фикримизга далил бўла олади.**

Б.МИРЗАҚОБИЛОВ.

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

# ЁШИ УЛУҒЛАР ДУОСИДА ШУКРОНА МУЖАССАМ

## «Нуроний» жамғармаси Хоразм вилоят бўлими раиси Маткарим Жуманиёзов билан мулоқот

**— Барча замонларда бўлгани каби XXI асрда ҳам жаҳон сиёсий саҳнасида мавжуд мамлакатлар, энг аввало, ўз иқтисодини мустаҳкамлаш билан боғлиқ стратегияларни амалга оширмоқдалар. Бу мақсадни биринчи навбатда инсон манфаатлари билан уйғун равишда амалга ошираётган давлатлар орасида Ўзбекистон тобора етакчилик мақомини қўлга киритаётир. Мазкур натижаларнинг мустаҳкам манбаи ўзига хос иқтисодиётнинг, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда барқарор ижтимоий сиёсат натижасидир. Шундай эмасми?**

— Жуда тўғри таъкидладингиз. Бизда жаҳон тиббиётининг энг замонавий асбоб-ускуналари билан жиҳозланган туғруқхоналарда дунё юзини кўраётган чақалоқлардан тортиб 100 ёшдан ошган кекса отахону онахонлар ҳам муҳтарам Президентимиз, ҳукуматимизнинг изчил ғамхўрлиги, доимий эътибори ва юксак эҳтиромини ҳис этиб яшамоқда. Бу ғамхўрлик, эътибор ва эҳтиром давлат сиёсати даражасига кўтарилиши баробарида ана шу мақсадлар учун давлат бюджетидан жуда катта миқдордаги маблағлар ажратилиб, эзгу мақсадларга сарфланмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида биргина бизнинг вилоятимизда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижросига 347 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилгани ҳам фикримиз далилидир.

**— «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурининг V бўлимида «Ҳар бир кексага ҳар томонлама эътибор қаратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини кучайтириш ва ошириш, қарияларнинг фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, бунда улар учун туман ва маҳаллаларда мулоқот марказлари, қизиқиши бўйича клублар ташкил этиш каби ранг-баранг йўналишдаги тадбирлар белгиланган. Улар қай даражада ижро этилмоқда?**

— Бугунги кунда Хоразмда 65 минг 550 нафар 60 ёшдан, 9 минг 855 нафар 80 ёшдан, 907 нафар 90 ёшдан, 50 нафар 100 ёшдан ошганлар истиқомат қилаётир. 2015 йилнинг 1 чорагида вилоятимизда ёши улуғ инсонлар учун театрлар, музейлар, концертларга бепул таклиф уюштирилди. Мактабларда, коллеж ва лицейларда, шунингдек, олий ўқув юртларида 846 та турли тадбир ва учрашувлар ўтказилиб, уларда 129 минг 700 дан зиёд фуқаро, шу жумладан, 3082 нафар меҳнат фахрийси иштирок этди.

**— Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат фронти фахрийларига қаратилган эътибордан кўнглингиз тўлаяптими?**

— Яқинда Хоразм телерадиокомпанияси баҳс тарзидаги катта бир кўрсатувни эфирга узатди. Мазкур кўрсатув вилоят аҳлининг турли ёш, турли авлодга мансуб қатламлари орасида кенг акс-садо берди. Унда бир уруш қатнашчиси «Бизнинг Ер шаримиз сон-саноқсиз галактикалар орасида бир қум заррасидан ҳам кичикдир. Наҳотки Аллоҳ томонидан яратилган шу гўзал сайёрани, бир неча минг йил давомида минг бир машаққат билан бунёд этилган бетакрор моддий ва маънавий дурдоналарни инсон ўз қўли билан йўқ қилиб юборса!» деган кўндаланг саволни қўйди. Эсингизда бўлса, давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессияси, Минг йиллик саммити, ШҲТнинг кечагина Уфа шаҳрида бўлиб ўтган анжуманида бу масалани атрофлича таҳлил қилиб берди. Биз тинчликнинг қадрига етиш учун ҳам қирғинбарот жанглардан омон қайтган кексаларни эъзозлашимиз керак.

Бугунги кунда вилоятимизда жами 4272 нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийси умргузаронлик қилаяпти. Вақт ўтиши билан улар сафи камайиб бораётир. Жорий йилда 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларидан 42 нафари ҳамда меҳнат фронти қатнашчиларининг 504 нафарига санаторийларда бепул даволанишларига тавсиялар берилди. Қолганлари ҳам бундай имтиёздан албатта фойдаланадилар. Уларнинг барчасига бирдай эҳтиром кўрсатилади.

**— Мамлакатимиз ниҳоятда гўзал, баҳаво, биллур булоқлар, шифобахш сувлар, игна баргли, соф кислород манбаи бўлган бой курорт ва санаторийларга эга. Ёши улуғ инсонларнинг бу ажойиб масканлардан фойдаланиши, саломатлигини мустаҳкамлаши борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 2015 йилнинг 3 ойи мобайнида 550 нафар пенсионер ва ногиронларга республикамиздаги «Товоқсой», «Олтиариқ», «Косонсой», «Тахиатош», «Маржон суви» санаторийлари ва Нуронийлар сиҳатгоҳига бепул йўлланмалар берилиб, уларнинг даволанишларига юқори даражадаги шарт-шароитлар яратилди. Биринчи чоракда реабилитация техник воситаларига муҳтож 119 нафар пенсионерга эшитиш мосламалари, ногиронлик аравачалари тақдим этилди. «Кексаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш» тадбири доирасида режали тартибда бюджет маблағлари ҳисобидан поликлиникалар томонидан 7453 нафар нуроний сиҳат-саломатлиги текширувдан ўтказилди. 4453 нафар ёши улуғлар республика ихтисослаштирилган тиббий марказлари, тиббиёт олий ўқув юртлари ва вилоят ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари етакчи мутахассислари жалб қилинган ҳолда чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Мухтасар айтганда, кексаларимиз эъзозда. Давлатимизга куч-қудрат, элимизга тинчлик-осойишталик тилаб, қўллари ҳамиша дуодадир.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ**
**суҳбатлаш**ди.

### НУРОНИЙЛАР САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА



**Косонсой туманидаги 150 ўринга мўлжалланган «Косонсой» санаторийсида фахрийлар ва ногиронларнинг мароқли дам олиши ҳамда саломатлигини тиклаши учун барча шароитлар яратилган. Бу ерда юрак, қон-томир, асаб тизими, суяк-мускул, нафас йўллари касалликлари шифобахш маъданли сув ва бир қанча физиотерапевтик муолажалар орқали даволанади. Фитобар ва даволаш гимнастикаси хизматлари ҳам йўлга қўйилган.**
**Санаторийда ҳудудий меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари йўлланмаси асосида юртимизнинг турли вилоятларидан келган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фронти фахрийлари, ногиронларга бепул хизмат кўрсатилмоқда.**
**Йил бошидан буён бу ерда дам олган 2000 дан зиёд нуронийнинг 451 нафари уруш ва меҳнат фронти фахрийларидир.**
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

## Ориф йигит Орифжон

**КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИДА ЎН НАФАР НУРОНИЙГА «XXI ASR»НИ СОВҒА ҚИЛДИ**

Соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир» дея жуда топиб айтганлар. «Муҳаббат боғи» хусусий корхонаси раҳбари, халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси Орифжон Каримов бобокалонимиз таърифлаган соҳиби шижоат инсонлардан биридир.
Кўпчилик ҳатто эътибор ҳам бермаган ташландиқ жойда иссиқхона ташкил этган тадбиркор кейинроқ айни шу ерда балиқчилик ва паррандачиликни ҳам йўлга қўйди, кўплаб одамларни иш билан таъминлади. Даромади ҳисобидан ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлади. Наврўз ва Мустақиллик байрамларини ўтказиш, кексалар учун Бухоро ва Самарқанддаги муборак қадамжоларга зиёрат уюштириш, Уйрот маҳалла фуқаролар йиғини биноси қурилишига ҳомийлик қилди. Қишлоқ йўлларига шағал ёткизишга бош-қош бўлиб, эл-юрт дуосини олди.
Халқимиз оқил ва фозил инсонларга «ориф» дея нисбат беришади. Шу боис бўлажак тадбиркорнинг ота-онаси унга эзгу тилаклар билан Ориф дея исм қўйишганди. Орзулари амалга ошди. Фарзандлари исмига мос инсон бўлиб вояга етди. Эл-юрт ҳурматини қозонди. Таниқли тадбиркор яқинда яна эзгу ишга қўл урди. Дўрмон ва Уйрот қишлоқларида яшовчи ўн нафар нуронийга кутилмаган совға — «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна ташкил этиб, яна бир карра ҳақиқий Ориф эканини намойиш этди.
Орифжондай кўнгли ва қўли очиқ, саховатпеша тадбиркорларимиз янада кўпаяверсин.

**Муслима КАРИМОВА, Кармана туманидаги «Дўрмон» ҚФЙ раиси.**

# Хорижий инвестор учун катта имкониятлар

**Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қайси мамлакатда тадбиркорлик субъектларига қулай шароит яратилса, рўйхатга олиш ва тугатиш ишлари қисқа муддатларда амалга оширилса, ўша давлатнинг иқтисодиётига жалб этиладиган инвестициялар ҳажми ҳам ортиб бораверади**

**Х.УМАРОВ,**
Фарғона вилоят адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси

Юртимизда қулай инвестициявий муҳит шакллантирилган, хорижий сармояларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг кўламдаги имтиёзлар, афзалликлар ва кафолатлар тизими яратилган. Амалдаги норматив ҳуқуқий база, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрир), «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони талаблари асосида инвесторлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ кафолатланган.

Бу борада 2012-2013 йилларда 5 та қонун, Президентимизнинг 14 та фармони ва қарори қабул қилиниб, бизнес юритишга рухсат берадиган 80 дан ортиқ тартиб-тамойил қисқартирилди, 15 та фаолият тури лицензия талаб этиладиган рўйхатдан чиқарилди.

Қонунчиликка киритилган бундай ўзгартишлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқимининг янада кўпайиши, қўшимча иш ўринлари яратилиши, фуқаролар турмуш даражасининг ошишига хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг роли ва аҳамияти беғоят катта. Бу қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

Мазкур қонунга кўра, солиқ соҳасида ҳам бир қатор имтиёзлар берилиб, ҳисоботларнинг айрим турлари қисқартирилди. Чунончи, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида белгиланган вазифалар асосида Солиқ кодексининг 286- ва 369-моддаларига ўзгартиришлар киритилиб, ер солиғи ва ягона ер солиғи даврийлиги йилига 3 мартадан 2 мартага қисқартирилди. Яъни, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ушбу солиқларни тўлашда йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар, қолган суммаси эса 1 декабрга қадар амалга оширилиши кўрсатилди.

Бундан ташқари, 2014 йилнинг 13 ноябрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва 9 декабрь куни юқори палата томонидан маъқулланган янги таҳрирдаги «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги қонун мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантиришга қаратилган муҳим воқеа бўлди.

Ушбу қонуннинг 8-моддаси «Инвестиция фаолияти объектлари» деб номланган. Унда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик ва бошқа турдаги фаолият объектлари инвестиция фаолияти объектлари эканлиги белгилаб қўйилган бўлиб, барпо этилиши ва фойдаланиши қонун ҳужжатларида белгиланган санитария-гигиена, радиация, экология, архитектура-шаҳарсозлик талабларига жавоб бермайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган объектларга инвестиция киритиш тақиқланади.

Шунингдек, қонуннинг 10-моддасида инвестиция киритиш ҳажми ва турларини, шакллари ва уни амалга ошириш йўналишларини инвестор мустақил равишда белгилаши, инвестиция фаолиятини амалга ошириши учун қоида тариқасида танлов (тендер) савдолари натижаларига кўра юридик ва жисмоний шахслар билан шартномалар тузиши, ўз инвестицияларига ҳамда инвестиция фаолияти натижаларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда эгалик қилиши, улардан фойдаланиши ва уларни тасарруф этиши, инвестиция фаолияти натижасида олинган даромадни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин мустақил ва эркин тасарруф этиши, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан ва ҳар қандай мулкий ҳуқуқлардан ўз зиммасига олган барча турдаги мажбуриятларнинг, шу жумладан, қонун ҳужжатларига мувофиқ қарз маблағларини жалб этишга қаратилган мажбуриятларининг таъминоти сифатида фойдаланиши, ўз инвестициялари ва бошқа активлари реквизиция қилинган тақдирда мутаносиб равишда компенсация олишга ҳақли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, янги таҳрирдаги қонун 30 моддадан иборат бўлиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган. Зотан, мазкур концепцияда иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарурлиги, бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароитни яратишни таъминлаш, уларнинг хусусий сектордаги иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозимлиги алоҳида белгилаб қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, интизомли, яъни қонун талабларига риоя этиб келаётган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ ҳимояланган бўлиб, мамлакатимизда кенг фаолият юритиши учун барча имкониятлар яратилган.

# Шириновлар биолабораторияси

## 36 минг гектардан зиёд ғалла ва пахта майдонларига хизмат кўрсатаяпти

**Сайфулла ИКРОМОВ,**
«XXI asr»

Касбиликлар қадимдан чорвачилик, кулолчилик, деҳқончилик, ҳунармандчиликда воҳада донг таратиб келишган. Мустақиллик шарофати билан хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилгач, ишбилармонликда ҳам вилоятда барчага ўрнак бўла бошладилар. Шу боис касбилик агроном Рафиқ Ширинов хусусий биолаборатория очганда ҳеч ким ажабланмади.

— Отам раҳматли собиқ тузум даврида туман сув хўжалигига бир неча йил раҳбарлик қилган, — дейди «Ширинов Рашид Раҳимович» хусусий биолабораторияси бошлиғи Рафиқ Ширинов. — Дала ишлари бошланди, дегунча хонадонимиз деҳқонлар билан гавжум бўлар, манаман деган хўжалик раҳбарлари вақти-вақти билан отамдан маслаҳат олиб туришарди. Шу боис ака-укалар мазкур анъанани давом эттириш мақсадида хусусий биолаборатория очишга қарор қилдик. Чунки ушбу хизматга талаб катта. Ҳар йили Касби, Миришкор, Ғузор туманлари далаларида етиштирилаётган ғалла ва пахта ҳосилини зараркунандалардан асраб қолиш учун 5-6 млн. дона олтинкўз, 18-19 килограмм трихограмма, 7-8 миллион дона габробракон қўйиш шарт. Буни илмий асосда ташкил этиш учун ихтисослашган хизмат зарур.

Бугун ака-ука тадбиркорлар лабораторияси 22 минг 100 гектар пахта, 14 минг 500 гектар ғалла майдонига хизмат кўрсатаётир. Рафиқ Шириновнинг ўзи тумандаги 107 та фермер хўжалигига қарашли 2800 гектар, Абдурашид Ширинов эса Ғузор туманидаги 120 та фермер хўжалигига қарашли 2800 гектар, Ҳусан Миришкор туманидаги 150 та фермер хўжалигига қарашли 3500 гектар майдонда ғалла ва пахта зараркунандаларига қарши курашишга масъул. Хусусий корхона бундан йилига 250-300 млн. сўм даромад олаяпти. Шундан 150 млн. сўми соф фойдадир.

Биолаборатория таркибида «Райим Ширинов» фермер хўжалиги ҳам фаолият кўрсатмоқда. 23 гектар майдондан 81 тонна ғалла ҳосили олиниб, давлат шартномаси ортиғи билан бажарилди. 27 гектар ерда «Бухоро-8» навли гўза парвариш қилинмоқда. Ўтган йили хўжалик раҳбари Абдурашид Ширинов ҳар гектар ердан 40 центнердан ошириб ҳосил кўтариб, «Нексия» автомашинаси билан тақдирланган эди. Бу йил ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш ниятида. 3 гектарлик боғ ҳам шу йилдан ҳосилга кирди.

— Биолабораториямизда 9 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчилари иш билан таъминланган, — дейди бош лаборант Муқаддас Боқиева. — Улар учун барча шароит муҳайё этилган. Тушликка бепул иссиқ овқат билан таъминлаймиз. Ҳар бир фермер хўжалиги далаларида парваришланаётган ғалла майсалари, ғўза ниҳоллари доимий назоратимизда. Биологик ишлов мутахассислар тавсиясига асосан амалга оширилади. Лаборатория ходимлари асосан хотин-қизлардан ташкил топган. Холида Султонова, Озода Узоқова, Шаҳло Эшназарова, Малоҳат Султонова, Гулмира Арабова, Шоира Ниёзова, Мафтуна Эшназарова касб сир-асрорларини пухта эгаллаган мутахассислардир.

— Истиқлол туфайли тумандаги таниқли тадбиркорлар сафидан ўрин олдик, — дейди Рафиқ. — Отамиз кўрмаган бахтли кунлар бизга насиб этди. Меҳнатимиз давлатимиз томонидан қадрланаётгани янги-янги изланишларга руҳлантираяпти. Айниқса, ҳурматли Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонини ўқиб, бошимиз осмонга етди. Бугун қобилиятини ишга солиб, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишни орзу қилганлар учун барча шароит муҳайё. Биз ҳам улар сафида эканимиздан мамнунмиз. Ҳеч кимдан кам жойимиз йўқ. Рўзғоримиз тўкин. Турмушимиз фаровон. Шундай кунларга етказганига шукрона қилиб, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратимизни ишга солаяпмиз.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Тадбиркорга қулайлик, истеъмолчига ҳимоя

**Мутахассислар муайян бир давлат иқтисодиёти қай даражада эканини ишлаб чиқарган маҳсулоти сифати ва салмоғига қараб белгилайдилар. Ички бозорнинг таъминланганлиги, хорижга экспорт қилинаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми билан қизиқадилар**

**У.АББАСОВ,**
«Фарғона синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси директори

Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, кейинги йилларда бутун республикамизда бўлгани сингари Фарғона вилоятида ҳам ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури кескин кўпайди, экспорт салмоғи ортди. Бунда маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг ички ва ташқи бозорда харидоргирлигини таъминлаш, бозоримизни сифатсиз товарлардан ҳимоя қилиш каби долзарб вазифаларнинг адо этилишида хизмат кўрсатувчи ҳамда назорат идоралари билан биргаликда марказимиз ходимларининг ҳам ўз ўрни бор.

Бугунги кунда марказимизда 6 та аккредитланган синов лабораторияси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда озиқ-овқат, енгил саноат, пойафзал, электр жиҳозлари, автотранспорт воситалари, қурилиш материаллари, шиша ва чинни идишлар сифати аниқланади. Лабораторияларимизда синовдан ўтказиш учун зарур бўлган барча қулайликлар муҳайё. Малакали мутахассислар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган режа-дастурга асосан фаолият юритиб, замонавий ускуналар ёрдамида маҳсулотларни кўрикдан ўтказмоқдалар. Масалан, биргина ўтган йил давомида донни синаш, синов намуналарини сақлаш, метрологик ўлчовлар ва ўлчов воситаларини қабул қилиш хоналари, сертификатлаштириш идорасида ҳужжатларни қабул қилиш бюроси тўлиқ ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди. Марказимизда фаолият кўрсатаётган 30 нафардан ортиқ мутахассиснинг қарийб барчаси олий маълумотга эга. Улар замонавий техника воситаларини пухта ўзлаштириш мақсадида ҳар йили касбий малакаларини ошириб келишаяпти.

Вилоятимизда бугунги кунда 3,5 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти, қўшма корхона, йирик саноат корхоналари, фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаётир. Улар томонидан минглаб турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларни истеъмолчи талаби даражасида тайёрланишида марказимиз мутахассисларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Биргина жорий йилнинг ярмида 64920,1 минг сўмлик 6 турдаги маҳсулотга 812 та мувофиқлик сертификати берилди. МДҲ давлатлари томонидан қабул қилинган ҳужжатлар асосида 80 та сертификат тан олинди. Бу кўрсаткичлар ўтган йиллар билан солиштирилганда мувофиқлик сертификатларини расмийлаштириш қарийб 118 фоиз ўсди. Сифат тизимларини жорий этиш йўналишида тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар билан яқин ҳамкорлик ўрнатилмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб эса тадбиркорларга янада қулайлик яратиш мақсадида марказимизда маҳсулотларни сертификатлаштириш юзасидан мурожаатларни электрон шаклда қабул қилиш (он-лайн кўринишида) тизими жорий этилди. Биргина ана шу қулайлик туфайли мурожаатчиларнинг кўплаб қадрли вақти тежалди. Улар керакли жавобни ўта қисқа фурсатларда олиш имкониятига эга бўлдилар. Бундан ташқари, мутахассисларимиз вилоят Савдо-саноат палатаси, Фермерлар кенгаши ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда тадбиркорлар учун учрашувлар, семинарлар ташкил этишаяпти. Бу эса, ўз навбатида, ишбилармонлар учун импорт операцияларини бажариш ҳамда экспортга маҳсулот чиқариш кўникмаларини оширмоқда. Ана шундай семинарлар, қисқа муддатли ўқув курслари ўтган йили ва жорий йилда вилоятимизнинг Риштон, Сўх, Ёзёвон, Қўштепа, Олтиариқ, Қува, Тошлоқ туманларида, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида ташкил этилди.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «Мувофиқликни баҳолаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши фаолиятимизни мувофиқлаштириш баробарида мутахассисларимиз масъулиятини янада оширди. Тизимни мутахассислар билан таъминлаш, улар билан ишлаш, малакасини ошириш масаласи «Ўзстандарт» агентлигининг «Кадрлар тайёрлаш дастури»га мувофиқ амалга ошириб келинмоқда. Олий ўқув юртлари ўқувчиларини соҳага жалб этиш ва уларда етарли даражада кўникма ҳосил қилиш мақсадида Фарғона политехника институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келаётганимиз ҳам ўз самарасини бераётир. Марказимиз мазкур олий ўқув юртлари билан имзолаган дастурларга асосан талабаларнинг танишув ва ишлаб чиқариш амалиётлари бевосита бизнинг жамоамизда ўтказилаётгани эса кадрлар муаммосига ўрин қолдирмаяпти. 2013-2014 йиллар давомида 100 дан ортиқ талаба марказимизда ўқув жараёнларини ўтагани талабаларнинг соҳага бўлган қизиқишини янада ошираётир. Амалиётни энг яхши ўтаган иқтидорли талабалар сараланиб, ишга қабул қилинаяпти. Ўтган 2 йил мобайнида 10 нафарга яқин яна шундай иқтидорли ёш мутахассис сафимизга келиб қўшилди.

Марказимизда амалга оширилаётган бу каби ишлардан асосий мақсад — фуқароларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигини ҳимоялаш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашга йўналтирилган бўлиб, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар, кўрсатаётган хизматлар сифати ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини янада оширишга қаратилгандир.

# Озод юртга обод боғлар ярашар

**Ёз чилласининг жазирамасида барча салқин ва сўлим оромгоҳлар оғушига интилади. Шу боис ҳам юртимизда дам олиш масканлари, жумладан, истироҳат боғлари яратишга қадимдан алоҳида эътибор бериб келинган. Эндиликда эса ушбу анъана янада бойитилиб, давлат аҳамиятига молик вазифалардан бирига айланди**

**Фахриддин НУРАЛИЕВ,** «XXI asr»

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги «2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ҳамда «2013-2018 йилларда замонавий маданият марказлари ва аҳоли ҳордиқ марказларини шакллантириш тўғрисида»ги қарорлари асосида махсус дастурлар ишлаб чиқилгани фикримиз далилидир. Унга кўра, 2015 йил охиригача 77 та янги истироҳат боғи ташкил этиш, мавжуд 148 тасининг 105 тасини капитал реконструкция қилиш, 29 тасини мукаммал, 14 тасини жорий таъмирлаш режалаштирилган.

Бундан ташқари, юртимизнинг ҳар бир туман ва шаҳрида камида биттадан замонавий маданият ва истироҳат боғининг фаолият юритишига эришиш, уларнинг барчасини замонавий аттракционлар билан таъминлаш орқали аҳоли, айниқса, ёшлар ва болаларнинг маданий дам олишлари учун шароит яратиш белгиланган.

Маданият ва истироҳат боғларига ўйин қурилмаларини сотиб олиш ва ўрнатиш учун қўшимча имтиёзлар яратилгани, хусусан, хориждан сотиб олинадиган жиҳозларнинг 2018 йил 1 январга қадар бож тўловларидан озод қилингани ҳам аҳолига маданий хизмат кўрсатишни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Натижада 2011-2014 йиллар давомида республикамиздаги маданият ва истироҳат боғларига 800 дан ортиқ янги аттракцион ўрнатилди. Бунинг учун 133 млрд. 656 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурига асосан жорий йилда яна 29 та янги боғ ташкил этилади.

— Бугун мамлакатимизда 225 та маданият ва истироҳат боғи аҳолига маданий хизмат кўрсатмоқда. Уларда ҳар куни турли маданий тадбирлар, дам олиш томошалари, концерт дастурлари ташкил этилаяпти, — дейди Маданият ва спорт ишлари вазирлиги музейлар, ахборот-ресурс марказлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Элёр Жалилов. — Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан нуронийлар учун алоҳида ҳордиқ масканлари ташкил этилиб, уларда газета ва журналларнинг янги нусхалари билан танишиб бориш имконияти яратилмоқда. Эл суйган санъаткорлар, хонандалар иштирокида уч авлод учрашувлари ўтказилаётир.

Буларнинг бари мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик, турмуш фаровонлиги шарофатидандир. Зеро, озод юртга обод боғлар ярашади. Ободлик эса кўнгилдан бошланади. Кўнгли обод ватандошларимиз истиқлолнинг 24 йиллик тўйига ана шундай завқ-шавқ билан тадорик кўрмоқдалар.

# ҚАЛБИ ПОК АВЛОДНИНГ ОРЗУЛАРИ БУЮК БЎЛАДИ

**Санъат инсонни комилликка, эзгуликка ундайдиган сеҳрли кучдир. Юртимизда ушбу соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани боис замонавий ва кўркам мусиқа мактаблари, санъат саройлари, маданият масканларида кўплаб ёш истеъдодлар камол топаётир**

**Дилноза НОМОЗОВА,**
«XXI asr»




Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг ёш авлод маданий савиясини ўстириш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқаси, тасвирий санъатнинг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бошланғич мусиқий таълим тизими тубдан такомиллаштирилди. Мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати маълумотларига кўра, мазкур қарор асосида Давлат дастури ишлаб чиқилиб, 278 та болалар мусиқа ва санъат мактабида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди, улар 137 млрд. сўмлик замонавий мусиқа асбоблари, овоз кучайтиргич, мебель ва ускуналар билан жиҳозланди. 2014 йилдагина 48 та болалар мусиқа ва санъат мактаби қурилди.

Агар бундан 6 йил муқаддам санъат соҳасида 9 та йўналишда таълим берилган бўлса, эндиликда улар сони 13 тага етказилди. Айни пайтда 53 та ихтисослик бўйича мусиқа ва санъат сирлари ўргатилмоқда.

2008 йилда бундай мактабларда жами 38034 нафар ўқувчи таълим олган бўлса, 2014 йилда улар сони 56 929 нафардан ошиб кетди.

Бўлажак санъаткорлар ижрочилик маҳоратини ошириш, рағбатлантириш ва ижодини кенг тарғиб этиш мақсадида турли кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказиб келинаётир. Жумладан, ўтган йили мамлакатимизда болалар мусиқа ва санъат таълимини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар, яратилган шарт-шароитларни кенг тарғиб қилиш, ўқувчиларнинг миллий чолғулар бўйича ижрочилик санъатини оммалаштиришга йўналтирилган «Она юрт оҳанглари» халқаро танловининг ўтказилиши мамлакатимиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Унда дунёнинг 11 та мамлакатидан келган иқтидорли болалар иштирок этишди.

Юртимиз бой маданий тарихга эга. Халқимиз қадимдан санъатни эстетик завқ берувчи восита сифатида қадрлаб келган. Дутор, танбур, доира, карнай-сурнайларнинг яратилиш тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Мустақиллик йилларида яратилаётган имконият ва имтиёзлар натижасида миллий ҳунармандчилигимиз ҳам янада ривожланди.

Бухоролик ҳунарманд Ислом Худойбердиев болалигидан мусиқа муҳитида улғайди. Миллий чолғу асбобларининг деярли барча турларини, жумладан, танбур, қашқар рубоб, дутор, ғижжак, қонун кабиларни ўзига хос маҳорат билан ясаб, санъатимиз тараққиётига хизмат қилаётир. Биргина ўтган йилнинг ўзида 42 млн. сўмлик миллий чолғу асбобларини яратиб, 8 та мусиқа ва санъат мактаби, маданият уйларига етказиб берди. Жорий йилда «Микрокредитбанк» Ғиждувон филиалидан 20 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, замонавий дастгоҳлар сотиб олиш, маҳаллий бозорда мусиқа асбоблари дўкони очиш ниятида.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Чунки юртимизнинг ҳар бир гўшасида Ислом акадек қўли гул ва тадбиркор инсонларни учратиш мумкин. Улар ўз ҳунари ва маҳорати билан ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишига катта ҳисса қўшиш баробарида уларга ҳам эстетик завқ, ҳам қувонч улашиб келмоқдалар.

Бундай кенг кўламли ислоҳотлар самарасида кўплаб ёш истеъдодлар халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаётганликлари эътиборга моликдир. 1991 йилда 3 нафар ўқувчи халқаро танловларда иштирок этган бўлса, 2013 йилда 107, 2014 йилда 122 нафар истеъдодли ёшларимиз Франция, Италия, Германия, Буюк Британия, Руминия, Россия, Озарбайжон, Латвия каби давлатларда ўтказилган нуфузли танловларда Ўзбекистонимиз шарафини муносиб ҳимоя этишди.

Келажагимиз ворисларини тарбиялашдек улуғ мақсадга эришиш, болалар маънавиятига миллий истиқлол ғояларини сингдиришда мусиқа ва санъатнинг алоҳида ўрни бор. Санъатга ошуфта қалб эгасидан ҳеч қачон ёвузлик чиқмайди, ўз ўлкасини бегона юрт вакилларига сотмайди, ота-онаси, қариндош-уруғига хиёнат қилмайди.

Энг муҳими — ана шунда.

## «Шарқ тароналари» ўнинчи бор янграйди

**Муаззам Самарқанднинг кўрки бўлган бетакрор Регистон майдонидаги Улуғбек мадрасасида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**
**Унда эътироф этилганидек, бу йил ўнинчи бор ўтказиладиган мазкур фестиваль аллақачон дунё халқлари, мумтоз мусиқа ихлосмандлари байрамига айланиб улгурди.**
**— Дарҳақиқат, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали жаҳоннинг энг нуфузли санъат форумлари қаторига кирди, десак асло муболаға бўлмайди, — деди фестивалнинг ижрочи директори Тўрабек Маҳмудов.**
**— Чунончи, 1997 йилда 31 та мамлакат вакили қатнашган бўлса, 2013 йилда 56 та давлатдан санъат усталари иштирок этдилар. Қувонарлиси, фестивалда қатнашиш истагини билдираётганлар сони йил сайин кўпайиб бораётир. Хусусан, жорий йилда 60 дан зиёд мамлакат қатнашиш ниятини билдирди. Маврики, Бутан, Коста-Рика, Мали, Перу, Эквадор давлатлари шулар жумласидандир. 100 дан ортиқ мусиқий жамоа ҳам шундай таклиф билан мурожаат этди.**
**Анжуманда, шунингдек, фестивалда нафақат мумтоз мусиқа намуналарини тақдим этиш, балки санъаткорларнинг ўзаро фикр алмашишига шароит яратиш, мусиқашунос олимларга тажриба орттириш имконини вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга молик экани таъкидланди.**
**— «Шарқ тароналари» доирасида илмий конференция ҳам ўтказиб келинмоқда, — деди фестивалнинг илмий-назарий анжуманлари раҳбари, санъатшунослик фанлари доктори Рустам Абдуллаев.**
**— Бу сафар «Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги» мавзуида конференция ташкил этилади. Мақсад анъанавий мусиқа ривожининг босқичларини ҳар томонлама ўрганиш, қадимий Шарқ тамаддунининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссасини намоён этишдир. Ушбу конференцияда 15 мамлакатдан олим ва экспертлар қатнашиши кутилмоқда.**
**Тадбирда нуфузли фестивални ўтказиш учун Самарқанд шаҳрида олиб борилаётган ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ахборот берилди. Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида Ибн Сино, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Гагарин, Рудакий, Беруний, Бўстонсарой кўчаларига, Амир Темур ҳайкали, Руҳобод майдони, Университет хиёбони, Темирйўл вокзали майдони, Улуғбек обсерваторияси, Хўжа Дониёр мажмуаларига жами бир миллиондан ортиқ гул экилгани, айни пайтда Регистон майдонидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари, Улуғбек, Тиллакори ва Шердор мадрасаларида реставрация, Регистон майдонидаги саҳнада санъаткор ва томошабинлар учун мармардан ишланган қулай ўриндиқлардан иборат амфитеатр қуриш ишлари, саҳнани ёритиш ҳам янгича тизимга ўтказилиши, бу ишга германиялик мутахассислар жалб этилгани тўғрисида сўз юритилди.**
**Қайд этилганидек, фестиваль иштирокчилари жойлашган меҳмонхоналар, музейларда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалига оид фотосуратлар, миллий мусиқа асбоблари, тарихий либослар, тасвирий ва амалий санъат асарлари, миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмалари ташкил этиш режалаштирилаётир. Анжуман иштирокчилари туманларда бўлишиб, истироҳат боғлари, мусиқа ва санъат мактабларида ўз дастурларини намойиш этишлари, ёш ижодкорларга маҳорат машғулотлари ўтишларига тайёргарлик кўрилмоқда.**

Муҳаббат РАВШАНОВА.

## Божхона ва ОАВ ҳамкорлиги кенгаймоқда

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида «Божхона органлари ахборот хизматлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва ОАВ билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш» мавзуида ўқув-амалий видеоконференцияси ўтказилди.**
**Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар божхона бошқармалари ҳузурида ташкил этилган Ахборот хизматлари ходимлари он-лайн тарзда иштирок этган ушбу тадбирда соҳа олдида турган муҳим вазифалар атрофлича муҳокама қилинди.**
**Маълумки, божхона фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, жамоатчилик билан ўзаро алоқаларини кенгайтириш, тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ҳиссаси катта. Давлат божхона қўмитаси бу борада катта тажрибага эга. Айниқса, кейинги йилларда божхона сиёсати билан боғлиқ долзарб масалалар, соҳада қабул қилинаётган янги меъёрий ҳужжатлардан оммани ўз вақтида хабардор қилиб бориш, муҳим маълумотларни ОАВ ва Интернет тармоғида кенг ёритиш, ташқи фойдаланувчилар учун ахборот алмашинувини тизимли равишда йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**
**— Бугунги кунда Давлат божхона қўмитаси ва ҳудудий бошқармалар ҳузуридаги Ахборот хизматлари фаолиятини самарали ташкил этиш учун етарли моддий-техник база яратилган. Хусусан, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида божхона соҳасига оид турли материаллар эълон қилиниб, соҳа ходимларининг кўп қиррали фаолияти телелавҳа, радиоэшиттириш ва мақолаларда кенг ёритилаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, — дейди Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ОАВ билан алоқалар гуруҳи катта инспектори Наргиза Юнусова.**
**— Жумладан, 2015 йилнинг ўтган беш ойи давомида марказий, маҳаллий босма ва электрон нашрларда 600 га яқин мақола чоп этилди, республика ва вилоят телерадиоканалларида 340 га яқин телелавҳа эфирга узатилди, 550 дан ортиқ эшиттириш берилди. Шунингдек, божхона қўмитаси ва унинг таркибий тузилмалари томонидан ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари билан 350 га яқин учрашув ўтказилиб, кенг жамоатчилик ўртасида 515 та мулоқот ташкил этилди.**
**Семинар иштирокчилари божхона фаолияти очиқ-ошкоралигини таъминлашда ахборот хизматлари самарадорлигини ошириш, Интернет тармоғида эълон қилинадиган маълумотларга нисбатан онгли муносабатда бўлиш, жамоатчилик билан алоқаларни йўлга қўйишда психологик омиллардан кенг фойдаланиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.**

# Жисмоний куч ва маънавий камолот

**ёш спортчиларни янги-янги зафарларга чорламоқда**

**Ўз мухбиримиз**



Пойтахтимизда Ўзбек жанг санъати федерацияси, Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ёшларни турли иллатлар ва ёт ғоялардан ҳимоя қилишга бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, маънавий юксак, юртга содиқ, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Лекин бугунги глобаллашув жараёнида «оммавий маданият» ниқоби остидаги турли маънавий хуружлар, ижтимоий тармоқларга жойлаштирилган зарарли ахборотлар, жангари ўйинлар ёшларнинг онгини заҳарлаётгани ҳам сир эмас.

— Ёш авлодни огоҳликка чорлаш, уларни жамиятимиз ва миллатимизга ёт турли иллат ва ғоялардан асраш олдимизда турган энг муҳим вазифалардан биридир, — деди тадбирда Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пўлат Усмонов. — Зеро, ҳар томонлама баркамол ёшларгина эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланади. Шундай экан, уларни нафақат жисмонан соғлом, балки дунёқараши кенг, иродали, қатъиятли қилиб тарбиялаш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Халқимизнинг миллий спорт тури — ўзбек жанг санъати инсон саломатлигини мустаҳкамлаб, уни ўзлигини англаш, миллий қадриятларимиз, тарихимиз, буюк аждодларимизга ҳурмат, юртни севиш руҳида тарбиялашни тарғиб қилади. Ўтказилаётган машқларнинг «Ватан», «Амир Темур», «Баркамол авлод», «Қалқон» каби номлар билан аталишида ҳам ана шу эзгу мақсадлар мужассам.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган ўзбек жанг санъати секцияларида минглаб ўғил-қизлар мураббийлардан ушбу спорт сирларини пухта ўрганмоқда. Мусобақа ва чемпионатларда ўз иқтидорини намоён этган ёшлар терма жамоага жалб қилинаяпти. Айнан ана шундай ҳар томонлама чиниққан спортчилар халқаро миқёсдаги турли беллашувларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишаётир.

— Ўзбек жанг санъати билан олти йилдан бери шуғулланаман, — дейди Мафтуна Икромова. — Бу каби тадбирлар бизни ҳамиша огоҳликка чорлайди. Мамлакатимиздаги бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда бор куч, билим ва салоҳиятимизни Ватанимиз равнақи йўлида сафарбар этишга ундайди.

**ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ!**

**ДУШМАННИ КЕЧИРИШ ДЎСТНИ КЕЧИРИШДАН ОСОН.**

Уильям БЛЕЙК.

**ҲАР КИМКИ УЛУҒРОҚ АНГА ХИЗМАТ КЕРАК,**
**УЛКИ КИЧИКРОҚ АНГА ШАФҚАТ КЕРАК.**

Алишер НАВОИЙ.

**ҲАЁТНИ ЎТКАЗСА ЎРГАНИБ САБОҚ,**
**УСТОД ҲАМ, ШОГИРД ҲАМ ҲЕЧ БЎЛМАС НУНОҚ.**

**ТЎҚИШ-ЙИГИРИШ ҲАМ БИЛИМ БИРЛАДИР,**
**ДУНЁНИ ТОПИШ ҲАМ ИЛМ БИРЛАДИР.**
**БИЛИМИНГ ОСМОНГА ЕТГАН БЎЛСА ҲАМ,**
**БОШҚАЛАР ИЛМИГА ҚУЛОҚ СОЛ ҲАР ДАМ.**

Абдушукур БАЛХИЙ.

**КИМКИ ҲАЁТ ШАЪМИН ИЛМ ИЛА ЁҚДИ,**
**ҲАЁТИ АСРЛАР СЎНМАДИ, БАЛҚДИ.**
**ИНСОННИНГ ҚИЙМАТИ ЭМАС СИМУ ЗАР,**
**ИНСОННИНГ ҚИЙМАТИ ИЛМ ҲАМ ҲУНАР.**

БИНОИЙ.

# СЎНГГИ САҲИФА

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# БАНКЛАР — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

**Бугунги кунда молия бозорида ўз мавқеини ошириш, соғлом рақобатни кучайтириш, шунингдек, кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш учун банклар мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда барча замонавий усуллардан фойдаланмоқдалар. Хусусан, давлат акциядорлик-тижорат «Асака» банкининг Қорақалпоғистон филиали жамоаси ҳам ана шу ҳаётий тамойиллардан келиб чиқиб, ўз фаолият кўламини кенгайтириш, мижозларга янада қулайлик яратган ҳолда уларнинг ишончини қозонишга ҳаракат қилмоқда**



Айни пайтда банкнинг аҳил жамоаси 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсга намунали банк хизматлари кўрсатиб келаяпти.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳияти, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайдиган муҳим йўналишлардан биридир. Зеро, йирик ва кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан, банк жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга қаратилган ишлар кўламини кенгайтиришга интилмоқда.

Хусусан, жорий йилда банк жамоаси томонидан кичик бизнес субъектларига ажратиладиган кредитлар миқдорини ўтган йилга нисбатан 1,3 бараварга ошириш мақсад қилиб қўйилган. Шундан келиб чиқиб, жорий йилнинг биринчи ярми давомида кичик бизнес субъектларига 31,4 млрд. сўм миқдорида кредит маблағи йўналтирилди. Бу борада ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 1,5 баравар ўсишга эришилди. Қувонарлиси, банк томонидан йўналтирилаётган ушбу маблағлар янги иш ўринлари ташкил этилишига хизмат қилмоқда. Бу эса халқимиз турмуш фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Масалан, Элликқалъа туманидаги «BOSTON AGROSANOAT SAVDO» масъулияти чекланган жамиятига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган технологик ускуналар олишга имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит тақдим этилди. Корхонада тежамкор, яъни кам энергия қуввати сарфлайдиган замонавий ускуналар ўрнатилди. Жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган ускуналар ўрнатилгандан кейин бу ерда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қайта ишланиб, бир йилда 25,0 минг тоннага яқин озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шу билан бирга корхонада қўшимча 5 киши иш билан таъминланди. Бу ҳам банк томонидан олиб борилаётган кредит сиёсатининг самарасидир.

*Амударё туманидаги «AVTO KAYIP MAYSHI» масъулияти чекланган жамияти борасида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Хусусан, мазкур корхонага ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида имтиёзли шартларда кредит маблағлари йўналтирилди.*

Амударё туманидаги «AVTO KAYIP MAYSHI» масъулияти чекланган жамияти борасида ҳам шундай гапларни айтиш мумкин. Хусусан, мазкур корхонага ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида имтиёзли шартларда кредит маблағлари йўналтирилди. Ҳозирда ушбу корхона тўла қувват билан ишлаб, бир йилда 148,0 млн. сўм миқдорида трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш мумкин. Шунинг билан бирга корхонада қўшимча 4 нафар қишлоқ ёшлари доимий иш билан таъминланди.

Мамлакатимиз молия бозорида тобора нуфузи ортиб бораётган «Асака» банкнинг Қорақалпоғистон филиали сармоялари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини яхшилашда ҳам муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидламоқ жоиздир. Мисол тариқасида Нукус шаҳрида фаолиятини бошлаган «INDIGO TRANS» шўъба корхонаси банк филиалидан аҳолига транспорт хизматларини кўрсатишни яхшилаш мақсадида узоқ муддатли кредит олганини айтиш мумкин. Бунинг ҳисобига корхона мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий «Исузу» русумли автобусларни сотиб олиб, Нукус шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли узоғини яқин қилмоқда. Энг муҳими, корхона ва банкнинг ўзаро ҳамкорлиги натижасида бу ерда 15 кишининг бандлиги таъминланди.

Банк жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларга ўз фаолиятларини бошлашлари учун кредитлар ажратиш орқали тадбиркорликка жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам диққатга сазовордир. Беруний туманидаги «AGROFIRMA TEMUR BARAKAT» хусусий корхонаси раҳбари, касб-ҳунар коллежи битирувчиси, ёш тадбиркор Темур Рўзимов жорий йил 12-13 март кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Банк технологиялари, ускуналари ва хизматлари VIII йиллик «BankExpo-2015» миллий кўргазмаси»да «Асака» банк томонидан имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификат билан тақдирланди ва унга кредит ажратилди. Мазкур маблағ эвазига ёш тадбиркор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган замонавий ускуналарни олиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ниятида. Бунинг натижасида у ўз тенгдошларидан 5 нафарини иш билан таъминлайди.

— 2009 йилдан бери «Асака» банк мижозиман, — дейди тадбиркор Клара Худайбергенова. — Мазкур молия муассасасининг ҳам моддий, ҳам маънавий кўмаги эвазига мен ўз бизнесимни йўлга қўйдим. Айни пайтга келиб ишимдан кўнглим тўқ. Энг асосийси, шу орқали оиламга барака кирди. Айтмоқчиманки, булар биринчи галда мамлакатимизда тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиб берилаётганининг меваси бўлса, иккинчидан, «Асака» банкнинг доимий кўмаги эвазига амалга ошаяпти.

Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин эгаллаган банк-молия муассасалари фаолиятини ислоҳотларга ҳамоҳанг равишда ташкил этиш ҳозирги кунда ҳар қачонгидан-да катта аҳамият касб этмоқда. «Асака» банкнинг Қорақалпоғистон филиали ҳам ўз фаолиятини ана шу тамойил асосида ривожлантириб, миллий иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва шу орқали аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Энг муҳими, «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори банкнинг аҳил жамоасини янги марралар сари ундамоқда.

**Акбар МУЗАФФАРОВ.**

ЭЪЛОН

## ТАДБИРКОРГА МАДАДКОРМИЗ!

**«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар, маҳаллий ва қўшма корхоналар, шунингдек, фермер хўжаликларига дунё стандарти талаблари даражасидаги рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ёрдам беради.**

Муҳтарам тадбиркорлар!

Корхонангиз, хўжалигингизда ишлаб чиқарилаётган ёки хориждан келтирилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олиш, маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиши учун халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда марказимиз мутахассислари, эксперт-аудиторлари ёрдамга тайёр.

Бундан ташқари корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз ишбилармонлар, қадрли истеъмолчилар!

«Чирчиқ синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг 0 370 715-35-81 рақамли «Ишонч телефони» ёки chirchiqssm.uz веб-сайти орқали ўзингизни қизиқтирган барча саволларга жавоб олишингиз мумкин. Биз Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 5а-уй.
Теле/факс: 0 370 716-58-11
e-mail: chirchiqssm@rssm.uz

**«ЧИРЧИҚ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.**







ЭЪЛОН

## СИЗНИНГ ХИЗМАТИНГИЗДАМИЗ!

**«Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонаси тадбиркорлар, шунингдек, вилоятда фаолият юритаётган қўшма корхоналар, кўп тармоқли фермер хўжаликларига рақобатбардош, импорт ўрнини босадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, етиштиришларида ёрдам беради.**

Қадрли тадбиркорлар!

Сиз корхонангиз, хўжалигингизда тайёрланаётган ёки хориждан келтирилаётган маҳсулотларга мувофиқлик сертификати олишингиз, шунингдек, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорда харидоргир бўлиши учун халқаро ISO 9001 — «Сифатни бошқариш тизими»ни жорий этишингизда марказимизнинг малакали мутахассислари, эксперт-аудиторлари доимо маслаҳат ва ёрдамларини аямайдилар. Шунингдек, марказда «Туристик ва меҳмонхона хизматлари»ни сертификатлаштириш идораси ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Сиз учун яна бир қулайлик — корхонангиз ёки хонадонингиздаги ўлчов воситаларини давлат қиёсловидан ўтказиш учун ҳам марказимиз мутахассисларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Азиз ишбилармонлар, муҳтарам истеъмолчилар!

«Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази» давлат корхонасининг 0 362 225-62-94 рақамли «Ишонч телефони» ёки www.xorezmsert.uz веб-сайти мурожаат қилсангиз, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Сизни қизиқтирган барча саволларга марказимиз мутахассислари жавоб беришади. Биз Сизнинг хизматингиздамиз!

Манзилимиз: Урганч шаҳри, Хонқа кўчаси, 107 «а»-уй.
Телефонларимиз: 0 362 225-62-94, факс: 0 362 770-40-87
e-mail:xorezmsert@rssm.uz

**«ХОРАЗМ СИНОВ ВА СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ КОРХОНАСИ.**

XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O`ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ:** Озод РАЖАБОВ.
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.
**ТЕЛЕФОНЛАР:** Котибият — 281-40-17 (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).
**ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:** XXI_ASR@mail.ru

**«XXI ASR»** ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Буюртма рақами: S 3492 Тираж: 10060
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 20:00

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материалларига таҳририят жавобгар эмас.**
**Газета таҳририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.**
**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**

ISSN 2181-497X

Навбатчилар: Б.ИСРОИЛОВ, Ш.РАҲИМОВ.

**©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.**